

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2015 № 5 (122)

1995 йилдан чиқа бошлаган

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шоюнус ГАЗИЕВ

Светлана АРТИКОВА

Қўчқор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Холмўмин ЁДГОРОВ

Файрат ХИДОЯТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил 19 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0249-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2004 йил 17 декабрдаги 110/4-сонли қарорига асосан ҳуқуқий, илмий-амалий журнал ваколати берилган.

Босишга 26.10.2015 йилда топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй. Адади: 6160 нусха. Буюртма № 135.

## **МУНДАРИЖА**

2. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарорлари*

18. **М. МАМАСИДДИҚОВ**

*Фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш — долзарб масала*

21. **Д. БЕКМАТОВА**

*Жамоат айбловчилари институти*

25. **Н. ХАЙРИЕВ**

*Жиноят-процессуал муносабатларни интенсификациялаш*

30. **Ш. ФАЙЗИЕВ**

*Мулкий зиён*

33. **Ф. КАРАБАЕВ**

*Фуқаролик суд ишларини юритишда тарафларнинг иштироки*

35. *Суд амалиёти*

39. *Умумий юрисдикция судлари судьяларининг*

*Олий малака ҳайъати қарорлари билан қуйидаги судьяларга малака даражалари берилди*

43. **С. НИЁЗОВА**

*Жиноятлар виқтимлиги*

45. **А. АБДУСАТТАРОВ**

*Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш*

## **СОДЕРЖАНИЕ**

47. **А. МИРЗАЕВ, Г. АБДУАЗИЗОВ**

*Преступления против правосудия: опыт Узбекистана и зарубежная практика*

51. **Н. ЭШАНКУЛОВА**

*Вопросы активизации межпарламентских отношений Олий Мажлиса Республики Узбекистан*

53. **У. ТУХТАШЕВА**

*Совершенствование деятельности суда апелляционной инстанции как одно из условий обеспечения эффективности судебной деятельности*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

## Қ А Р О Р И

2015 йил 18 сентябрь

№ 13

Тошкент шаҳри

## Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида

Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Судларга тушунтирилсинки, судланганлик шахсининг, унга суд ҳукми билан жазо қўлланилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолати бўлиб, мазкур шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий ва умум-ҳуқуқий хусусиятга эга муайян салбий оқибатлар келиб чиқишида намоён бўлади.

Жиноят кодексининг (бундан буён матнда — ЖК) 77-моддасига мувофиқ, судланганлик ҳолати жазо тайинланган суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб, у тугалланган ёки олиб ташланган пайтгача давом этади.

2. Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят қонунинда шахс судланмаган ҳисобланадиган ҳоллар мавжуд. Жумладан, қуйидаги ҳолда шахс судланмаган ҳисобланади, агар унга нисбатан:

жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чи-

қарилган (ЖК 70, 71, 76-моддалари) ёхуд шахс бир вақтнинг ўзида асосий ва қўшимча жазодан биринчи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан озод қилинган (ЖК 69, 75, 76-моддалари) бўлса;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса (ЖК 94-моддаси).

Қуйидаги асосларга кўра жиноий жавобгарликдан озод этилган шахс ҳам судланмаган ҳисобланади:

жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан (ЖК 64-моддаси);

қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан (ЖК 65-моддаси);

айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖК 66-моддаси);

жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан (ЖК 66-1-моддаси);

жиноят содир этган шахс касаллиги туфайли (ЖК 67-моддаси);

амнистия акти қўлланилганлиги муносабати билан (ЖК 68-моддаси).

3. Судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари судланганлиги тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолда келиб чиқади ва қуйидагиларда ифодаланади:

судланганлик қатор ҳолларда жиноят квалификациясига таъсир этувчи, яъни жиноий жавобгарликни кучайтирувчи ҳолат ҳисобланади;

судланганлик муайян ҳолларда шахсни ўта хавfli рецидивист деб топилишига асос бўлади (ЖК 34-моддаси);

судланганлик, агар

шахс муқаддам озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган бўлса, жазони ижро этиш колонияси турини белгилаш учун аҳамият касб этади (ЖК 50-моддаси);

судланганлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади (ЖК 56-моддаси);

илгари содир этилган жинояти учун жазо ўтаётган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда, ҳукмлар мажмуи бўйича жазо белгилашда судланганлик қаттиқроқ қоидалар қўлланилишига сабаб бўлади (ЖК 60-моддаси);

тугалланмаган ва олиб ташланмаган судланганлик ҳолатининг мавжудлиги айрим асослар бўйича, масалан, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги (ЖК 66-моддаси), алоҳида ҳолларда эса (оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлганда), жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги (ЖК 66-1-моддаси) муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилишига тўсқинлик қилади.

Судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибати жазодан озод қилиш (ЖК 71-моддаси), шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-моддаси), вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш (ЖК 87-моддаси) каби чораларни қўллаш учун моддий қонунда тақиқ мавжудлигида ҳам намоён бўлади.

4. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонун судланганлик ҳолати барҳам топишининг

фақат икки усулини — унинг тугалланиши ва олиб ташланишини назарда тутати (ЖК 77-моддаси тўртинчи қисми).

Судланганлик ҳолати тугалланиши шахсининг судланганлиги факти билан боғлиқ барча оқибатларнинг жазо тури ва муддатидан келиб чиққан ҳолда ЖК 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтганлиги натижасида автоматик тарзда (ўз ўзидан) барҳам топишини англатади. Бундай ҳолларда судланганлиги тугалланган шахс, унинг вориси, қонуний вакили ёки адвокати илтимосига кўра ҳукм чиқарган суд томонидан судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги фактини тасдиқловчи маълумотнома берилади. Бунинг учун манфаатдор шахс томонидан судга тақдим этилган ички ишлар органлари ахборот маркази маълумотномаси ва жазо ўталганлиги (ижро этилганлиги) фактини тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлади.

Судланганликнинг олиб ташланиши ундан келиб чиққан ҳуқуқий оқибатлар судланганлик ҳолати барҳам топиши учун қонунда белгиланган муддатлар ўтгунига қадар суд қарорига асосан тугатилишини англатади. Судланганлик олиб ташланиши учун шахсининг жазони ўтаб чиққандан кейинги бенуксон хулқ-атвори (унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмаганлиги), жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки шахсининг ўзи ЖК 79-модда-

сининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган муддатлар ўтгандан сўнг берган илтимосномаси асос бўлиши мумкин. Қонун суд тартибидан ташқари амнистия акти ёки авф этиш орқали судланганликни олиб ташлаш имкониятини ҳам назарда тутати.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланиши жиноятлар мажмуи, такроранлигини ва рецидив жиноятни истисно этувчи ҳолат ҳисобланади.

5. Судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган пайтдан бошлаб шахс судланмаган ҳисобланиб, ушбу шахс томонидан жиноят содир этилганлиги факти ва унинг учун судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар қатъиян ва сўзсиз бекор бўлади.

Судлар, судланганлик ҳолати олиб ташланишини шахсни реабилитация қилишдан фарқлашлари лозим. Шахс реабилитация қилинганда, давлат у жиноят содир этганликда хато айбдор деб топилганлигини тан олади. Судланганлик ҳолати олиб ташланганда шахс томонидан жиноят содир этилганлиги факти инкор этилмай, фақат жиноий жавобгарликка тортиш оқибатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

6. Жиноят кодекси 13-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони

енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳолини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга.

Шу муносабат билан, агар суриштирув, дастлабки тергов олиб борилаётган, иш судда кўрилаётган ёки шахс жазо ўтаётган даврда унинг томонидан содир этилган қилмиш жиноийлигини бекор қиладиган қонун қабул қилинса, бундай ҳолда шахс жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилинади ва қилмиш жиноийлигини бекор қилган қонун кучга кирган пайтдан судланмаган ҳисобланади. Мазкур қоида жазони ўтаб бўлган, бироқ судланганлик ҳолатида бўлган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

7. Қонунга мувофиқ судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатларини (ЖК 78, 80-моддалари) ҳисоблаш асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки синов муддати ўтиб бўлган кундан бошланади. Масалан, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоларига қўшимча сифатида муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган ҳолда, бу жазо қайд этилган асосий жазоларни ўташнинг барча вақтига татбиқ этилиб, судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатлари эса қўшимча жазо ўтаб бўлинган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

8. Жарима ёки ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилиниб, бошқа жазо турига алмаштирилган шахснинг судланганлик ҳолати тегишлича ЖК 78-моддасининг "г, д, е, ж" бандларида кўрсатилган муддат ўтиши билан тугалланади. Бундай ҳолда судланганлик ҳолати муддатининг тугаши ЖК 80-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ЖК 44-моддасининг учинчи қисми ёки ЖК 46-моддасининг тўртинчи қисмига кўра белгиланган жазо тури ўталган кундан бошлаб ҳисобланади.

9. Жиноят кодекси 80-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, шунингдек, жазоси енгилроғи билан алмаштирилган (ЖК 73,

74-моддалари) шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши масаласини ҳал этишда суд томонидан белгиланган жазо муддатидан эмас, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган пайтга қадар амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиқиш лозим. Бунда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсга нисбатан ЖК 73-моддаси қўлланилган пайтдан, жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахсга нисбатан эса — ЖК 74-моддасига мувофиқ белгиланган енгилроқ жазо ўталган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят кодекси 80-моддасида белгиланган судланганлик ҳолати тугалланишини ҳисоблаш тартиби (амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиққан ҳолда жазо ўтаб бўлинган ёки жазони ўташдан озод қилинган пайтдан бошлаб) енгилроқ жазони назарда тутувчи янги қонун нормасига асосан жазоси қисқартирилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

10. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 80-моддасининг тўртинчи қисми судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилганда судланганлик ҳолати тугалланишига оид қоидаларни белгилайди.

Жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолати муддати тугамай туриб яна жиноят содир этган ҳолларда, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддат тўхтатилади.

Судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилганда илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати муддати шахс янги жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлгандан сўнг янгидан ўта бошлайди, судланганлик ҳолати ўтаётган даврда содир этилган янги жиноят учун тайинланган жазо оғирроқ бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати янги жиноят учун тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиб аниқланади.

11. Жиноят қонуни мазмунига кўра, судлан-

ганлик ҳолатининг тугалланиш муддати жазо билан, шу жумладан, бир неча жиноятлар учун (жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича) тайинланган жазо билан бевожуб беглик. Шахсга жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича (ЖК 59, 60-моддалари) жазо белгилашда барча қилмишларнинг оғирлигини инобатга олиб, узил-кесил жазо тайинланиши тўғрисида, бундай ҳолда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати узил-кесил жазо тури ва муддатидан келиб чиқиб ҳисобланиши лозим.

Айни пайтда, агар жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича суд томонидан ҳар хил турдаги, ҳар қайсиси алоҳида ижро этиладиган жазо (ЖК 61-моддасининг иккинчи қисми) тайинланган бўлса, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати жазо тизимида (ЖК 43-моддаси) назарда тутилган оғирроқ жазо муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

12. Жиноят-процессуал кодекси 544-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома судланганлик ҳолати мавжуд шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан жазони ўтаб чиққан шахс яшаш жойидаги туман (шаҳар) судига берилиши мумкин.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш масаласини ҳал этишда, суд судланганлик

ҳолати мавжуд шахснинг қонунга итоаткор турмуш тарзини тасдиқловчи ҳолатларни (ҳуқуқбузарлик мавжуд эмаслиги, жазо ўташдан озод қилингандан кейинги хулқ-атвори, ишлаш ва яшаш жойидан ижобий тавсифномалар, ички ишлар органи ахборот маркази маълумотномаси мавжудлиги ва ҳ.к.) аниқлаши зарур.

Жиноят-процессуал кодекси 544-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисида такрорий илтимоснома уни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб камида бир йил ўтгандан кейин берилиши мумкин.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги ажрим ҳукм чиқарган судга ва ички ишлар органларининг ахборот марказига юборилиши лозим.

13. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланиши муддатларини тўғри ҳисоблаш учун судланувчининг шахсига оид маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, ишни судда кўриш учун тайинлаш чоғида судлар иш материалларида ички ишлар органларининг ахборот марказидан, шу жумладан судланувчининг туғилган

ва доимий яшаш жойидан олинган маълумотномалар мавжудлигини текширишлари, судланувчига нисбатан муқаддам чиқарилган ҳукмлар, муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва ҳ.к.лар тўғрисидаги ажримларни талаб қилиб олишлари ва синчиклаб ўрганиб чиқишлари лозим.

Судлар ҳукм чиқариш вақтида судланувчининг судланганлик ҳолатига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Суд ҳукми тўғрисида"ги 2014 йил 23 майдаги қарорининг 15-бандида берилган тушунтиришларга риоя этган ҳолда тўғри акс эттиришлари лозим.

14. Одил судлов сифатини ошириш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари ва натижаси бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишга ҳамда иш ва материалларнинг синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўрилишини таъминлашга қаратилган чоралар кўришлари лозим.

**Олий суд раиси**

**Ш.ГАЗИЕВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси**

**Д.КАМИЛОВ**

## ПОСТАНОВЛЕНИЕ

## ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

18 сентября 2015 года

№ 13

город Ташкент

## О судебной практике по применению законодательства о погашении и снятии судимости

В связи с вопросами, возникающими в судебной практике по применению законодательства о погашении и снятии судимости, руководствуясь статьей 17 Закона "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

## ПОСТАНОВЛЯЕТ:

- Разъяснить судам, что судимость является правовым состоянием лица, возникающее в результате применения к нему наказания приговором суда и выражающееся в наступлении для данного лица определенных неблагоприятных последствий уголовно-правового и общеправового характера.
 

Согласно статье 77 Уголовного кодекса (далее по тексту - УК) состояние судимости начинается со дня вступления приговора суда, которым назначено наказание, в законную силу и продолжается до момента его погашения или снятия.

2. Следует иметь в виду, что уголовный закон содержит случаи, когда лицо считается не имеющим судимости. Так, не имеющим судимости считается лицо, в отношении которого:

  - приговор без назначения наказания (статьи 70, 71, 76 УК) либо лицо одновременно освобождено от основного и дополнительного наказания судом первой, апелляционной, кассационной или надзорной инстанции (статьи 69, 75, 76 УК);
  - применены принудительные меры медицинского характера (статья 94 УК).
  - Не имеющим судимости считается также лицо, которое освобождено судом от уголовной ответственности в связи с:
    - истечением срока давности привлечения к ответственности (статья 64 УК);
    - утратой деянием или лицом общественной опасности (статья 65 УК);
    - деятельным раскаянием виновного в содеянном (статья 66 УК);
    - примирением лица, совершившего преступление, с потерпевшим (ста-
  - тья 66-1 УК);
  - болезнью лица, совершившего преступление (статья 67 УК);
  - применением акта амнистии (статья 68 УК).

3. Уголовно-правовые последствия судимости наступают в случае совершения лицом, имеющим неснятую и непогашенную судимость, нового преступления и выражаются в следующем:

  - судимость в ряде случаев является обстоятельством, влияющим на квалификацию преступления, т.е. обстоятельством, усиливающим уголовную ответственность;
  - судимость в определенных случаях является основанием для признания лица особо опасным рецидивистом (статья 34 УК);
  - судимость имеет значение для определения вида колонии по исполнению наказания, если лицо раньше отбывало наказа-

ние в виде лишения свободы (статья 50 УК);

судимость рассматривается как обстоятельство, отягчающее наказание (статья 56 УК);

в случаях совершения нового преступления лицом, отбывающим наказание за ранее совершенное преступление, судимость влечет более жесткие правила назначения наказания по совокупности приговоров (статья 60 УК);

наличие неснятой и непогашенной судимости является препятствием для освобождения от уголовной ответственности по некоторым основаниям, например, в связи с деятельным раскаянием виновного в содеянном (статья 66 УК), а в отдельных случаях (наличия судимости за тяжкие и особо тяжкие преступления), примирением лица, совершившего преступление, с потерпевшим (статья 66-1 УК).

Уголовно-правовыми последствиями наличия судимости выражается также в наличии запрета в материальном законе на применение таких мер, как освобождение от наказания (статья 71 УК), условное осуждение (статья 72 УК), принудительные меры воспитательного воздействия в отношении несовершеннолетних (статья 87 УК).

4. Обратить внимание судов, что закон предусматривает только два способа прекращения судимости — погашение и

снятие (часть четвертая статьи 77 УК).

Погашение судимости означает автоматическое прекращение всех правовых последствий, связанных с фактом осуждения лица, вследствие истечения указанных в статье 78 УК сроков, которые предусмотрены в зависимости от вида и срока назначенного наказания. В таких случаях по просьбе лица, чья судимость погашена, его наследника, законного представителя либо адвоката судом, вынесшим приговор, выдается справка, удостоверяющая факт отсутствия судимости. Основанием для этого является представленная суду заинтересованным лицом справка информационного центра органа внутренних дел и документы, подтверждающие факт отбытия (исполнения) наказания.

Снятие судимости означает прекращение ее правовых последствий на основании решения суда до истечения установленных законом сроков погашения судимости. Основаниями для снятия судимости может быть безупречное поведение лица после отбытия наказания (отсутствие в отношении него мер административного или дисциплинарного воздействия), наличие ходатайства общественного объединения, органа самоуправления граждан, коллектива или самого лица, поданного по истечении сроков, предусмотренных частями первой,

второй и третьей статьи 79 УК. Помимо судебного порядка закон предусматривает также возможность снятия судимости актом об амнистии или путем помилования.

Погашение и снятие судимости в установленном законом порядке являются обстоятельствами, исключающими совокупность, повторность и рецидив преступлений.

5. С момента погашения или снятия судимости лицо признается несудимым, а все правовые последствия, связанные с фактом совершения этим лицом преступления и осуждения за него, окончательно и безусловно аннулируются.

Судам следует отличать снятие судимости от реабилитации лица. Реабилитируя лицо, государство признает, что он ошибочно признан виновным в совершении преступления. При снятии судимости факт совершения лицом преступления не отрицается, а лишь принимается решение о досрочном прекращении последствий привлечения к уголовной ответственности.

6. Согласно части второй статьи 13 УК закон, устраняющий преступность деяния, смягчающий наказание или иным образом улучшающий положение лица, имеет обратную силу.

В связи с этим, если во время проведения дознания, предварительного следствия, рассмотрения

дела в суде или отбывания лицом наказания принимается закон, декриминализирующий совершенное лицом преступление, в такой ситуации лицо подлежит освобождению от уголовной ответственности и наказания и считается не судимым с момента вступления в силу закона, устранившего преступность деяния. Это правило распространяется и на лиц, отбывших наказание, но находящихся в состоянии судимости.

7. В соответствии с законом исчисление сроков погашения или снятия судимости (статьи 78, 80 УК) начинается со дня отбытия основного и дополнительного наказания либо истечения испытательного срока. Например, в случае назначения наказания в виде лишения права занимать определенные должности или заниматься определенной деятельностью в качестве дополнительного наказания к аресту, направлению в дисциплинарную часть, лишению свободы, данное наказание распространяется на все время отбывания указанных основных видов наказания, а срок погашения или снятия судимости исчисляется с момента отбытия дополнительного наказания.

8. Судимость лица, осужденного к штрафу или исправительным работам, в отношении которого эта мера наказания заменена другим видом наказания, погашается

соответственно по истечению сроков, указанных в пунктах "г, д, е, ж" статьи 78 УК. Срок погашения судимости в таком случае согласно части третьей статьи 80 УК исчисляется со дня отбытия вида наказания, определенного в соответствии с частью третьей статьи 44 или частью четвертой статьи 46 УК.

9. В соответствии с частью второй статьи 80 УК при решении вопроса о погашении судимости лицу, условно-досрочно освобожденному из мест лишения свободы, а также лицу, которому наказание заменено более мягким (статьи 73, 74 УК), надлежит исходить не из срока наказания, определенного судом, а из срока наказания, фактически отбытого ими к моменту освобождения из мест лишения свободы. При этом срок погашения судимости лицу, условно-досрочно освобожденному из мест лишения свободы, исчисляется с момента применения статьи 73 УК, а лицу, которому наказание заменено более мягким - с момента отбытия более мягкого наказания, определенного в соответствии со статьей 74 УК.

Установленный статьей 80 УК порядок исчисления погашения судимости (исходя из фактически отбытого срока наказания со дня отбытия или освобождения от наказания), распространяется и на лиц, которым наказание сокращено в соответ-

ствии с новой нормой уголовного закона, предусматривающей более мягкое наказание.

10. Судам следует иметь в виду, что часть четвертая статьи 80 УК устанавливает правила погашения судимости при прерывании течения срока, погашающего судимость.

Прерывание срока погашения судимости имеет место в случаях, когда лицо, отбывшее наказание, до истечения срока погашения судимости совершает новое преступление.

При прерывании течения срока, погашающего судимость, срок судимости за предыдущее преступление начинает течь заново после отбытия лицом наказания за новое преступление, за исключением тех случаев, когда наказание, назначенное за новое преступление, совершенное в течение срока судимости, является более тяжким. В таком случае срок погашения судимости определяется, исходя из срока наказания, назначенного за новое преступление.

11. По смыслу уголовного закона срок погашения судимости непосредственно связан с наказанием, в том числе назначенным за несколько преступлений (по совокупности преступлений или приговоров). Поскольку при определении наказания по совокупности преступлений или приговоров (статьи 59, 60 УК)



лицу, с учетом тяжести всего содеянного, назначается к отбыванию окончательное наказание, срок погашения судимости при этом следует исчислять, исходя из вида и срока окончательного наказания.

Вместе с тем, если по совокупности преступлений или приговоров судом назначены наказания разного вида, которые приводятся в исполнение самостоятельно (часть вторая статьи 61 УК), срок погашения судимости исчисляется, исходя из срока более строгого наказания, предусмотренного системой наказаний (статья 43 УК).

12. В соответствии с частью первой статьи 544 УПК ходатайство о досрочном снятии судимости может быть подано лицом, имеющим судимость, его защитником или законным представителем, а также общественным объединением или коллективом в районный (городской) суд по месту жительства лица, отбывшего наказание.

При решении вопроса о досрочном снятии судимости суду необходимо устанавливать обстоятельства, подтверждающие законопослушный образ жизни лица, имеющего судимость (отсутствие правонарушений, надлежащее поведение после освобождения от отбывания наказания, наличие положительных характеристик с места работы и проживания,

справки информационного центра органов внутренних дел и т. д.).

Согласно части четвертой статьи 544 УПК повторное ходатайство о снятии судимости может быть подано не ранее чем по истечении одного года со дня вынесения определения об отказе.

Определение суда о досрочном снятии судимости подлежит направлению в суд, вынесший приговор, и в информационный центр органов внутренних дел.

13. Обратит внимание судов, что для правильного исчисления сроков погашения и снятия судимости важное значение имеет изучение данных о личности подсудимого. С этой целью в ходе назначения дела к судебному разбирательству судам необходимо, проверять наличие в материалах дела справок информационного центра органов внутренних дел, в том числе взятых по месту рождения и постоянного места жительства подсудимого, истребовать и тщательно изучать копии

ранее вынесенных в отношении подсудимого приговоров, определений об условно-досрочном освобождении, замене наказания более мягким и др.

При постановлении приговоров судам следует правильно отражать данные о состоянии судимости подсудимого, руководствуясь разъяснениями, изложенными в пункте 15 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 23 мая 2014 года "О судебном приговоре".

14. В целях повышения качества правосудия рекомендовать Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам, областным и приравненным к ним судам по уголовным делам периодически обобщать судебную практику по применению законодательства о погашении и снятии судимости и по результатам принимать меры к устранению имеющихся недостатков и обеспечению тщательного, всестороннего, полного и объективного рассмотрения дел и материалов.

**Председатель  
Верховного суда**

**Ш. ГАЗИЕВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда**

**Д. КАМИЛОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2015 йил 18 сентябрь

№ 14

Тошкент шаҳри

**Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия  
стационарига ҳамда сил касаллигига қарши  
кураш муассасасининг ихтисослаштирилган  
бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу  
муассасаларда ётиши муддатини узайтириш  
билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд  
амалиёти ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Психиатрия ёрдами руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг руҳий соғлиғини 2000 йил 31 августдаги "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибда текширувдан ўтказишни, уларни профилактика қилишни, уларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, парваришлаш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклашни ўз ичига олади.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатиш давлат томонидан қоплатланади ва қонунийлик, раҳм-шафқат, инсонпарварлик ҳамда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш принциплари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, 2001 йил 11 майдаги "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунда сил касаллигининг олдини олишга қаратилган ижтимоий, тиббий, санитария-гигиенага оид, эпидемияга қарши ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишнинг, шунингдек сил касаллигига чалинган беморларни аниқлаш, даволаш, диспансер кўригидан ўтказиш ва реабилитация қилишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Юқорида қайд этилган қонунлар асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига 33<sup>1</sup> ва 33<sup>2</sup>-боблари киритилган бўлиб, тегишинча шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳамда шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги фуқаролик ишларини алоҳида иш юритиш тартибида кўриш белгиланган.

Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ва судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда келиб чиқаётган масалаларни тушунтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

10

1. Судларнинг эътибори шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳамда шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш фуқарони ма-

лакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларидан бири эканлигига қаратилсин.

2. "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 27, 29-моддаларига мувофиқ, агар руҳий ҳолати бузилган шахсни фақат стационар шароитида текширувдан ўтказиш ёки даволаш мумкин бўлса, руҳий ҳолатнинг бузилиши эса оғир ва унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдириши, унинг ночорлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлиги, агар шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлиғига жиддий зарар етказилиши билан боғлиқ бўлса, уни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия муассасасига ётқизиш масаласи судлар томонидан ҳал қилиниши тушунтирилсин.

3. Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари психиатрия муассасаси жойлашган ердаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқлилигига судларнинг эътибори қаратилсин.

4. Назарда тутмоқ лозимки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги аризалар алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар жумласига киради ва ариза мазмун жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ФПК 149-моддаси ҳамда 297<sup>1</sup>-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши лозим ва психиатрия муассасасининг раҳбари томонидан имзоланади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги аризага шифокор психиатрлардан иборат комиссиянинг шахснинг психиатрия стационарига ётқизиш зарурлиги тўғрисидаги асосланган хулосаси илова қилиниши шартлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Шунингдек, шахснинг психиатрия стационарида бундан кейин бўлиши зарурлиги тўғрисидаги асосланган хулоса унинг стационарда ётиш муддатини узайтириш ҳақидаги аризага илова қилиниши лозимлиги судларга тушунтирилсин.

5. Судларнинг эътибори ФПК 160-моддасида назарда тутилган ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича ҳаракатлар билан биргаликда ушбу кодекснинг 297<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган аризани судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган муддатда шахснинг психиатрия стационарида бўлиб туриши масаласини ҳал этишлари лозимлигига қаратилсин.

Бунда, шахснинг психиатрия стационарида бўлиб туриши масаласи аризани қабул қилиш вақтида ҳал қилиниши ва ажрим тарзда расмийлаштирилиши ва ажримда шахснинг психиатрия стационарида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар бўлиб туриши кўрсатилиши шарт.

Суднинг ушбу ажрими устидан хусусий тартибда шикоят ёки протест келтирилмайди.

Ушбу қоида шахсни ғайриихтиёрий тартибда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасида ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

6. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар стационарда ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили ва стационарда ётқизишнинг асослиги тўғрисида хулоса берган комиссия таркибидаги шифокор психиатр, прокурор, шунингдек шахс ётган психиатрия муассасаси вакили иштирокида кўриб чиқилади.

ФПК 297<sup>2</sup>-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, суд мажлисига муассаса вакилининг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги аризани кўриб чиқишга монелик қилмайди, бироқ суд унинг келишини шарт деб топиши мумкин.

Бундай тоифадаги ишлар бўйича суд мажлиси суднинг биносида ёки иш ҳолатига кўра, психиатрия стационарида ўтказилиши мумкин.

Психиатрия стационарига ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили тушунчаси ва доираси "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги қонунда белгиланганлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Бунда, Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, фуқаро ўзига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфа-

атларини химоя қилиш учун ўзи хоҳлаган вакилни таклиф этишга ҳақли. Вакилликни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахс ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки бошқа қонуний вакиллари, улар бўлмаган ҳолларда эса — ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасаси маъмурияти химоя қиладилар.

Суд шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш якуни бўйича ФПКнинг 203-206, 219, 297<sup>3</sup>-моддаларига асосан ҳал қилув қарори чиқаради.

7. "Аҳолини сил касаллигидан муҳофазат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12<sup>1</sup>-моддасида сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган, диспансер ҳисобида турган ҳамда тиббий текширувдан ва (ёки) даволанишдан бўйин товлаётган шахс сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига суднинг ҳал қилув қарори асосида ғайриихтиёрий тартибда ётқизилиши белгиланганлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ариза ушбу муассаса тиббий комиссиясининг тиббий текширувдан ва (ёки) даволанишдан бўйин товлаётган мазкур шахсни ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш зарурлиги ҳақидаги хулосаси қабул қилинган кундан эътиборан бир сутка ичида берилади. Ариза судга шахс диспансер ҳисобида турган ёки даволанаётган ёхуд унинг яшаш (турган) жойидаги сил касаллигига қарши кураш муассасаси томонидан берилади.

8. Қонуннинг 12<sup>2</sup>-моддасида сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахснинг сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимида ғайриихтиёрий тартибда даволанишда бўлишининг давомийлик муддати олти ойгача этиб белгиланганлигига, сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган

шахснинг сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимида ғайриихтиёрий тартибда даволанишда бўлиши муддати ушбу муассаса тиббий комиссиясининг хулосаси асосида суд томонидан олти ойгача узайтирилиши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

9. Шахсни ғайриихтиёрий тартибда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари мазкур шахс диспансер ҳисобида турган ёки даволанаётган сил касаллигига қарши кураш муассасаси жойлашган ердаги ёки унинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқлилигига судларнинг эътибори қаратилсин.

10. Шахсни ғайриихтиёрий тартибда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги аризалар алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар жумласига киради ва ариза мазмун жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ФПК 149-моддаси ҳамда 297<sup>5</sup>-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши лозим ва муассасанинг раҳбари томонидан имзоланади.

11. Сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги аризага ушбу муассаса тиббий комиссиясининг тиббий текширувдан ва (ёки) даволанишдан бўйин товлаётган мазкур шахсни ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш зарурлиги ҳақидаги хулоса илова қилиниши, хулосада даволаш ўтказиладиган муддат кўрсатилиши лозимлиги судларга тушунтирилсин.

Шунингдек, сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимида ғайриихтиёрий тартибда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризага ушбу муассаса тиббий комиссиясининг шахс даволанишда бўлган муассасада ётиши муддатини узайтириш зарурлиги ҳақидаги хулосаси илова қилиниши, хулосада даволаш ўтказиладиган муддат кўрсатилиши лозимли-

гига судларнинг эътибори қаратилсин.

12. Судларга тушунтирилсинки, шахс-ни ғайриихтиёрий тартибда сил касалли-гига қарши кураш муассасасининг ихти-сослаштирилган бўлимига ётқизиш тўғри-сидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар мазкур шахс диспансер ҳисобида турган ёхуд даволанаётган сил касаллигига қарши кураш муассасасининг вакили — тиббий комиссияси аъзоси, сил касал-лигининг юқумли шаклига чалинган шахс-нинг вакили, шунингдек прокурор ишти-рокида кўриб чиқилади.

Сил касаллигининг юқумли шаклига ча-линган, иши судда кўриб чиқиладиган шахс, агар унинг соғлиғи ҳолати имкон берса, суд мажлисига чақирилиши мумкин.

ФПК 297<sup>6</sup>-моддасининг иккинчи қисми-га мувофиқ, суд мажлисига муассаса ва-килининг — тиббий комиссия аъзосининг, сил касаллигининг юқумли шаклига ча-линган шахс вакилининг узрсиз сабабга кўра келмаганлиги ишни кўриб чиқишга монелик қилмайди, бироқ суд уларнинг келишини шарт деб топиши мумкин.

13. Судларга тушунтирилсинки, шахс-ни психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ёти-ши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриш учун қонунда белгилан-ган ўн кунлик муддат ҳамда шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасаси-нинг ихтисослаштирилган бўлимига ғай-риихтиёрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муд-датини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриш учун қонунда белгиланган уч кун-лик муддат иш қўзғатилган кундан бош-лаб ҳисобланади.

Шу муносабат билан фуқаролик ишини қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш ва ишни судда кўришга тайинлашда судлар белгиланган муддатлардан келиб чиқиш-лари зарурлиги тушунтирилсин.

"Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғри-сида"ги Ўзбекистон Республикаси қону-нининг 24-моддасида кўрсатиб ўтилган бе-морнинг ҳуқуқларидан келиб чиқиб, шахс-ни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қар-ши кураш муассасасининг ихтисослаш-тирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг уш-бу муассасаларда ётиши муддатини узай-тириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари

ёпиқ суд мажлисида кўрилиши тушунти-рилсин.

ФПКнинг 219-моддасига асосан судлар томонидан шахсни ғайриихтиёрий тартиб-да сил касаллигига қарши кураш муас-сасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ёти-ши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратили-ши лозим.

Ҳал қилув қарори устидан психиатрия стационарига жойлаштирилган шахс, унинг вакили, психиатрия муассасаси раҳбари ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослашти-рилган бўлимига ғайриихтиёрий равиш-да ётқизилган шахс, унинг вакили, сил касаллигига қарши кураш муассасаси раҳбари қонунда назарда тутилган тар-тибда шикоят қилиши, прокурор протест келтириши мумкин.

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда пси-хиатрия стационарига ҳамда сил касал-лигига қарши кураш муассасасининг их-тисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муд-датини узайтириш билан боғлиқ фуқаро-лик ишлари бўйича суд харажатлари ари-зачидан ундирилмаслиги судларга тушун-тирилсин.

14. Судлар шахсни ғайриихтиёрий тар-тибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасаси-нинг ихтисослаштирилган бўлимига ётқи-зиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фу-қаролик ишларини кўришда Ўзбекистон Республикасининг "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги Қонуни 28-моддасида ва "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қи-лиш тўғрисида"ги Қонуни 12<sup>2</sup>-моддаси-да белгиланган муддатларга қанчалик риоя қилинганлигига алоҳида эътибор қаратишлари, бу борада аниқланган қо-нунбузилиши ҳолатларига ҳар доим ҳам ФПКнинг 19-моддасига асосан муноса-бат билдириб бориш чорасини кўришла-ри лозим.

**Олий суд раиси**

**Ш.ГАЗИЕВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси**

**Д.КАМИЛОВ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ****ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

18 сентября 2015 года

№ 14

город Ташкент

**О судебной практике по гражданским делам,  
связанным с госпитализацией в психиатрический  
стационар, в специализированное отделение  
противотуберкулезного учреждения в  
недобровольном порядке и о продлении срока  
госпитализации**

В соответствии со статьёй 40 Конституции Республики Узбекистан каждый имеет право на квалифицированное медицинское обслуживание.

Психиатрическая помощь включает в себя обследование психического здоровья, профилактику, диагностику, лечение, уход, медико-социальную реабилитацию лиц, страдающих психическими расстройствами, по основаниям, предусмотренным Законом Республики Узбекистан "О психиатрической помощи" от 31 августа 2000 года и другими законодательными актами.

Психиатрическая помощь лицам, страдающим психическими расстройствами, гарантируется государством и осуществляется на основе принципов законности, милосердия, гуманности и соблюдения прав и свобод человека и гражданина.

Также, Закон Республики Узбекистан "О защите населения от туберкулеза" от 11 мая 2001 года устанавливает правовые основы проведения социальных, медицинских, санитарно-гигиенических, противоэпидемических и других мер, направленных на профилактику заболевания туберкулезом, а также выявление, лечение, диспансерное наблюдение и реабилитацию больных туберкулезом.

В соответствии с вышеуказанными законами Республики Узбекистан Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан был дополнен Главами 33<sup>1</sup>, 33<sup>2</sup>, регламентирующими порядок рассмотрения судами дел, связанных с госпитализацией в психиатрический стационар, в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке и о продлении срока госпитализации в особом производстве.

В связи с внесением в Гражданский процессуальный кодекс изменений и дополнений, с целью разъяснения задач, возникающих при рассмотрении данной категории дел, руководствуясь статьёй 17 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

**ПОСТАНОВЛЯЕТ:**

1. Обратить внимание судов, что своевременность рассмотрения заявлений о госпитализации лица в психиатрический стационар, госпитализации лица, больного заразной формой туберкулеза, в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке или продлении срока госпитализации является одной из правовых гарантий получения гражданином своевременной и квалифицированной медицинской помощи.
2. Разъяснить, что в соответствии со ст.ст.27, 29 Закона Республики Узбе-

кистан "О психиатрической помощи", вопрос о госпитализации в психиатрический стационар в недобровольном порядке решается судом, в случае если обследование или лечение лица, страдающего психическим расстройством, возможны только в стационарных условиях, а психическое расстройство является тяжелым и обуславливает его непосредственную опасность для себя или окружающих, его беспомощность, то есть неспособность самостоятельно удовлетворять основные жизненные потребности, существенный вред его здоровью вследствие ухудшения психического состояния, если лицо будет оставлено без психиатрической помощи.

3. Обратит внимание судов, что гражданские дела о госпитализации лица в психиатрический стационар в недобровольном порядке или продлении срока госпитализации подсудны межрайонным, районным (городским) судам по гражданским делам по месту нахождения психиатрического учреждения.

4. Следует иметь в виду, что заявления о госпитализации лица в психиатрический стационар в недобровольном порядке или о продлении срока госпитализации относятся к делам особого производства, их содержания должны соответствовать требованиям статьи 149, а также статьи 297<sup>1</sup> ГПК и подписываться руководителем психиатрического лечебного учреждения.

Обратит внимание судов, что к заявлению о госпитализации в психиатри-

ческий стационар в недобровольном порядке, должно быть приложено мотивированное заключение комиссии врачей-психиатров о необходимости госпитализации лица в психиатрический стационар.

Также разъяснить судам, что к заявлению о продлении срока госпитализации должно быть приложено мотивированное заключение о необходимости дальнейшего пребывания лица в психиатрическом стационаре.

5. Обратит внимание судов, что наряду с проведением предусмотренных статьей 160 ГПК действий по подготовке дела к судебному разбирательству, следует разрешить предусмотренный статьей 297<sup>1</sup> данного Кодекса вопрос о пребывании лица в психиатрическом стационаре на срок, необходимый для рассмотрения заявления в суде.

При этом вопрос пребывания лица в психиатрическом стационаре разрешается при принятии заявления и оформляется в виде определения, в котором должно быть указано о содержании лица в психиатрическом стационаре до вынесения судом решения.

На данное определение суда жалобы или протесты в частном порядке не подаются.

Данное правило применимо также к гражданским делам о госпитализации лица в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке или продлении срока его госпитализации в этом учреждении.

6. Разъяснить судам, что

дела о госпитализации лица в психиатрический стационар в недобровольном порядке или о продлении срока его госпитализации рассматриваются с участием законного представителя госпитализируемого лица и врача-психиатра из состава комиссии, давшей заключение об обоснованности госпитализации, прокурора, а также представителя психиатрического учреждения, в котором находится лицо.

В соответствии с частью 2 статьи 297<sup>2</sup> неявка в судебное заседание по неуважительным причинам представителя учреждения не является препятствием к рассмотрению заявления, однако суд может признать его явку обязательной.

Судебное заседание по этой категории дел может быть проведено в здании суда или по обстоятельствам дела в психиатрическом стационаре.

Обратит внимание судов, что понятие и круг лиц, могущих быть законными представителями госпитализируемого в психиатрическое учреждение лица определены в законе "О психиатрической помощи".

При этом, в соответствии со статьей 9 Закона на гражданин при оказании ему психиатрической помощи вправе пригласить по своему выбору представителя для защиты своих прав и законных интересов. Оформление представительства производится в порядке, установленном законодательством.

Защиту прав и законных интересов несовершеннолетнего в возрасте до че-

тырнадцати лет и лица, признанного в установленном законом порядке недееспособным, при оказании им психиатрической помощи осуществляют родители, усыновители или другие законные представители, а в случаях их отсутствия администрация психиатрического учреждения для социального обеспечения или специального обучения.

По результатам рассмотрения заявления о госпитализации лица в психиатрический стационар либо продлении срока госпитализации в недобровольном порядке суд на основании ст.ст.203-206, 219, 297<sup>3</sup> ГПК выносит решение.

7. Обратить внимание судов, что статьей 12<sup>1</sup> Закона Республики Узбекистан "О защите населения от туберкулеза" установлено, что лицо, больное заразной формой туберкулеза, находящееся на диспансерном учете и уклоняющееся от медицинского обследования и (или) лечения, подлежит госпитализации в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке на основании решения суда.

Заявление о госпитализации лица, больного заразной формой туберкулеза, в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке подается в течение не более суток со дня принятия заключения врачебной комиссии этого учреждения о необходимости такой госпитализации данного лица, уклоняющегося от

медицинского обследования и (или) лечения. Заявление подается в суд противотуберкулезным учреждением, в котором лицо находится на диспансерном учете или на лечении либо по месту его жительства (нахождения).

8. Обратить внимание судов, что статьей 12<sup>2</sup> Закона продолжительность нахождения лица, больного заразной формой туберкулеза, на лечении в специализированном отделении противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке установлена сроком до шести месяцев. Срок нахождения лица, больного заразной формой туберкулеза, на лечении в специализированном отделении противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке может быть продлен судом на основании заключения врачебной комиссии этого учреждения до шести месяцев.

9. Обратить внимание судов, что гражданские дела о госпитализации лица в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке или продлении срока его госпитализации в этом учреждении подсудны межрайонным, районным (городским) судам по гражданским делам по месту нахождения противотуберкулезного учреждения, в котором данное лицо находится на диспансерном учете либо на лечении или по месту его жительства (нахождения).

10. Заявления о госпитализации лица в специализированное отделение противотуберкулезного уч-

реждения в недобровольном порядке или продлении срока госпитализации относятся к категории дел, рассматриваемых в порядке особого производства, по содержанию должны соответствовать требованиям статьи 149, а также статьи 297<sup>5</sup> ГПК Республики Узбекистан и подписываться руководителем учреждения.

11. Разъяснить судам, что к заявлению о госпитализации лица, больного заразной формой туберкулеза, в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке должно быть приложено заключение врачебной комиссии данного учреждения о необходимости госпитализации данного лица, уклоняющегося от медицинского освидетельствования и (или) лечения, в заключении должен быть указан срок, в течение которого будет проведено лечение.

Также необходимо обратить внимание судов на то, что к заявлению о продлении срока госпитализации лица, больного заразной формой туберкулеза, в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке, должно быть приложено заключение врачебной комиссии учреждения о необходимости продления госпитализации данного лица, в заключении должен быть указан срок, в течение которого будет проведено лечение.

12. Разъяснить судам, что дела о рассмотрении заявлений госпитализации лица в специализированное



отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке или продлении срока госпитализации рассматриваются с участием представителя — члена врачебной комиссии противотуберкулезного учреждения, в котором данное лицо находится на диспансерном учете либо на лечении, представителя лица, больного заразной формой туберкулеза, а также прокурора.

Лицо, больное заразной формой туберкулеза, дело которого рассматривается в суде, может быть вызвано в судебное заседание, если состояние его здоровья позволяет это.

Согласно требованиям части 2 статьи 297<sup>6</sup> ГПК Республики Узбекистан неявка представителя — члена врачебной комиссии противотуберкулезного учреждения, представителя лица, больного заразной формой туберкулеза, в судебное заседание по неуважительной причине не является препятствием к рассмотрению дела, однако суд может признать явку этих лиц обязательной.

13. Разъяснить судам, что указанный в законе десятидневный срок для рассмотрения заявления о госпитализации лица в психиатрический стационар в недобровольном порядке или о продлении срока госпитализации, а также трехдневный срок для рассмотрения заявления о госпитализации лица в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке или продлении срока госпитализации исчисляется со

дня возбуждения дела.

В связи с указанным, разъяснить судам на необходимость соблюдения установленных сроков возбуждения гражданского дела, проведения действий по подготовке к судебному разбирательству и назначения дела к судебному разбирательству.

Исходя из прав пациента, предусмотренных статьёй 24 закона Республики Узбекистан "Об охране здоровья граждан", дела, связанные с госпитализацией в психиатрический стационар, в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке и о продлении срока госпитализации в данных учреждениях рассматриваются в закрытом судебном заседании.

На основании статьи 219 ГПК Республики Узбекистан решение суда об удовлетворении заявления о госпитализации лица в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке или продлении срока его госпитализации в этом учреждении подлежит немедленному исполнению.

Решение в установленном законом порядке может быть обжаловано лицом, помещенным в психиатрический стационар, его представителем, руководителем психиатричес-

кого учреждения, лицом, помещенным в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке, его представителем, руководителем противотуберкулезного учреждения, а также опротестовано прокурором.

Разъяснить судам, что судебные расходы по гражданским делам, связанным с госпитализацией в психиатрический стационар, в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке и продлением срока госпитализации в данных учреждениях с заявителя не взыскиваются.

14. При рассмотрении гражданских дел, связанных с госпитализацией в психиатрический стационар, в специализированное отделение противотуберкулезного учреждения в недобровольном порядке и продлением срока госпитализации в данном учреждении, судам необходимо обратить особое внимание на соблюдение установленных статьёй 28 Закона Республики Узбекистан "О психиатрической помощи" и статьёй 12<sup>2</sup> Закона "О защите населения от туберкулеза" сроков, а также в соответствии со статьёй 19 ГПК принимать меры по случаю выявления обстоятельств нарушения закона.

**Председатель  
Верховного суда**

**Ш. ГАЗИЕВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного  
суда**

**Д. КАМИЛОВ**

# Фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш – долзарб масала

**М**амлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳар соҳада ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг манتيқий давоми бўлди.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**  
юримдик фанлар доктори,  
профессор

Мазкур Фармон асосида суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар тубдан кучайтирилди.

Фармонда белгиланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, ташкилотларнинг қонуний манфаатларини суд томонидан самарали ҳимоя қилишда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини ҳамда уларда иш юритувини оптималлаштириш ва унинг шакл ва воситаларини тадқиқ этиш муҳим масалалардандир.

Айтиш жоизки, "Оптималлаштириш", яъни латинча "optimus" сўзининг луғавий маъноси "энг яхши, энг соз, аъло" деган тушунчани англатади. Бу — муайян ҳолатларнинг энг яхшисини танлаш имконияти демакдир. Бошқача айтганда, оптималлаштириш натижасида у ёки бу тизим имкониятлари ва улардаги шарт-шароит янада яхшиланади.

Ушбу тушунча ўзининг юридик мазмун-моҳиятига ҳам эга. Хусусан, фуқаролик суд ишларини юритишнинг оптималлаштирилиши деганда, одил судловнинг

мақсад ва вазибаларига эришишнинг энг яхши ва мақбул йўлини танлаш имконини берувчи фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш механизмини такомиллаштириш тушунилади.

Ҳуқуқий адабиётларда эътироф этилишича, фуқаролик суд ишларини оптималлаштиришни умумий ва махсус воситаларга ажратиш мумкин.

Умумий воситаларга одил судловни амалга ошириш механизмини оптималлаштиришга хизмат қилувчи воситалар, яъни процессуал муддатларни оптималлаштириш, фуқаролик процесси босқичларини, хусусан, фуқаролик ишини иш юритувига қабул қилиш, кўриб чиқиш учун тайёрлаш, ишни мазмунан кўриш, суд ҳужжатларини қайта кўриш ва ижро этишни оптималлаштириш назарда тутилади.

Суд ишларини юритишни оптималлаштиришнинг махсус воситаларига фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этишни тезлаштириш ва соддалаштиришга қаратилган махсус институтларни ташкил этиш ва жорий қилишни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, соддалаштирилган, буйруқ тартибида ва сиртдан иш юритиш, келиштирувчи тартиб-таомилларни жорий этиш одатда, махсус воситалар сифатида эътироф этилади.

Таҳлиллар ҳозирги кунда дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари қонунчилигида фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштиришнинг махсус воситаларини ривожлантириш-

га алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, тарафларни ўзаро муроасага келтирадиган, яраштирадиган, ишнинг хусусияти ва турига қараб махсус соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларни жорий этиш шулар жумласидандир.

Масалан, Германияда фуқаролик ишларини судда қисқа муддатларда ва адолат тамойилига риоя этган ҳолда кўриш ва ҳал этиш суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларини жорий этиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ушбу давлат қонунчилигида фуқаролик ишлари бўйича суд жараёнини соддалаштириш юзасидан бир неча марта жиддий ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида "Соддалаштириш, жадаллаштириш ва судьялар юкламалари бўйича қонунлар тўплами" деб номланган махсус қонунлар қабул қилинди.

Фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштиришнинг махсус воситалари ичида фуқаролик ишининг хусусияти ва турига қараб махсус соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларни жорий этиш муҳим ўрин тутди.

Масалан, Германияда фуқаролик процессида соддалаштирилган тартибда суд ишларини юритиш қуйидагиларда намоён бўлади:

- суд буйруқлари, яъни "мажбур қиладиган" иш юритиш (Mahnverfahren);
- ҳужжатли (докумантар) иш юритиш (Urkundenprozess);
- келиштирувчи судларда — ашс-герихтахда иш юритиш (Verfahren von den Amtsgericht).

Шу ўринда "мажбур қиладиган иш юритиш"нинг айрим жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, ушбу суд ишларини юритишнинг асосий вазифаси судда ишни кўрмасдан туриб, ижро ҳужжати олиш ҳисобланади. Бундай иш юритишнинг асосий шarti — қарздор томонидан зиммасидаги мажбуриятнинг белгиланган муддатларда бажарилмаслигидир.

Бу ўринда қонун қарздорнинг ҳу-

қуқларини ҳам ҳимоя қилишни назарда тутди. Хусусан, қарздор ишни одатдаги тартиб-таомиллар асосида кўрилишини талаб қилиши ва ушбу жараёнда ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам мажбур қиладиган иш юритиш судда иш кўришдан аввалги босқич ҳисобланади.

Талабнинг суммасидан қатъи назар, аризалар ундирувчининг яшаш жойидаги судга тақдим этилади. Икки ҳафта ичида қарздор қарзни тўлаши ёки ўз эътирозларини тақдим этиши шарт. Агар шу муддатда қарздордан эътироз келиб тушмаса, суд ундирувчи талабларининг асосли эканини текширмайди. Талабнинг низосиз эканлиги қарздор томонидан ундирувчининг талабларига қарши эътирознинг бўлмаслигида ҳамда ишни одатдаги жараёнда кўрилишини талаб қилмаслигида намоён бўлади. Бу эса, қарздор томонидан ортиқча суд харажатларига йўл қўйилишининг олдини олади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган давлатларида тарафларнинг вакиллари (адвокатлар) томонидан иш бўйича расмийлаштирилган тушунтиришларнинг тақдим этилиши суд ишларини соддалаштирилган тартибда юритишнинг келажакдаги устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда.

XX асрнинг охирида инглиз фуқаролик процессидаги муҳим янгиликларидан бири ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессгача бўлган процессуал ҳаракатларига эътиборни кучайтириш бўлди. 1999 йилнинг январь ойида "Practice Direction — Protocols", яъни "Амалда қўлланиладиган баённомалар" номли қўлланманинг чоп этилиши муносабати билан Буюк Британияда иш юритиш жараёнида фуқаролик процесси тарафларининг ўзаро муносабатларини эътиборга олиш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилди.

Шу тариқа суд амалиётига "судловга қадар баённома" ("preaction protocol") атамаси кириб келди. Мазкур баённомада келгусида бўладиган суд процесси ҳақида тарафларни хабардор қилиш

билан бирга, уларнинг бир-бирлари ҳақида маълумотлар олишга қаратилган ҳаракатларини ҳам қайд этиш белгилаб қўйилди.

Баённоманинг мақсади, авваламбор, келажакда бўлиши кутилаётган суд процессида иштирок этувчи шахслар, асосан, даъвогар ва жавобгарни бир-бирлари ҳақида ҳамда ишдаги далиллар тўғрисида олдиндан ва тўлиқ маълумотлар билан таъминлашдан иборат. Шунингдек, тарафларга суд процесси бошлангунга қадар ўзаро келишув битими тузиш орқали низони бартараф этиш учун имконият яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари судда иш кўришни чўзилишининг олдини олиш ва унинг ўз вақтида, самарали ўтказилишини таъминлашга урғу берилган.

Мазкур қўлланмада ҳар қандай ҳолатда ҳам низолашувчи тарафлар ишни судгача олиб бормасдан ўзаро музокара ўтказиш, далиллар юзасидан фикрлашиши ҳақида тавсиялар берилган. Хусусан, унда судловга қадар баённома тузишга нисбатан беписандлик билан муносабатда бўлиш мазкур ишни судда кўришга тайёрлаш, ҳал қилув қарорини чиқариш ҳамда суд харажатларини тақсимлаш жараёнида суд томонидан эътиборга олиниши қайд этилган.

Фурсатдан фойдаланиб, фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштиришнинг умумий ва махсус воситаларини миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларга тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Айрим тоифадаги низоли бўлган, бироқ муайян суммадан юқори бўлмаган талаблар учун соддалаштирилган иш юритиш тартибини жорий этиш лозим. Шунингдек, даъво баҳосидан қатъи назар, даъвогар томонидан тақдим этилган жавобгарнинг пул мажбуриятларини тасдиқловчи ва (ёки) шартнома бўйича унинг қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган даъво аризалари бўйича ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибини жорий этиш ва ушбу масалаларни тартибга солувчи нормалар-

ни миллий қонунчиликка киритиш таклиф қилинади.

Мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 97 ва 152-моддаларига айрим тоифадаги, масалан, меҳнат, оила, уй-жой, меросга оид ишларни судга қадар ҳал қилишнинг мажбурий тартиб-таомилларини ва унга амал қилмаслик оқибатларини назарда тутувчи нормаларни киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу, шубҳасиз, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ўзаро келишув йўли билан ҳал этиш, судларда ишларни қисқа муддатда ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш, судьяларнинг иш юк-ламаларини камайтириш ва айниқса, тарафлар ўртасидаги низоларни ҳал этишда ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари Фуқаролик процессуал кодексига турдош (предметли) судловлилик қоидалари киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Хусусан, қандай тоифадаги ишлар биринчи инстанция судларида, қайси ишлар юқори инстанция судларида кўрилиши ушбу тоифадаги ишларнинг предмети, мазмуни ва унда иштирок этаётган шахслар таркибига қараб белгиланиши ҳақидаги қоидаларни ушбу кодексга киритишни таклиф этамиз.

Фуқаролик процессуал кодексига суд қарорлари қайта кўрилишида адвокат иштироки мажбурийлиги ҳақидаги нормани ҳам киритиш зарур. Бу юқори инстанция судларида тортишувчанликни, ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишни таъминлайди, судлар томонидан одил судловнинг амалга оширишга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳозирги кунда мамлакатимизда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш билан бир қаторда, фуқаролик суд ишларини юритишни ҳам оптималлаштириш, унинг шакл ва воситаларини тадқиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Тавсия этилаётган бу каби таклифлар ушбу соҳадаги эзгу ишларнинг изчил ривожига кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

# Жамоат айбловчилари институти

## уни янада ривожлантириш истиқболлари

Жамоат айбловчилари институти жиноят — судлов ишларини юритиш жараёнида ўзига хос ўрин тутди.

Жиноий таъқибда жамоатчиликнинг иштироки кўпроқ жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари институтида ўз ифодасини топади.

**Дилнавоз БЕКМАТОВА,**  
тадқиқотчи

Айтиш керакки, жиноят-судлов ишларини юритишда жамоат айбловчилари фаолиятини икки — ташкилий ва процессуал қисмларга бўлиш мумкин. Ташкилий қисм — судгача ва суддан кейинги фаолиятни ўз ичига олади (жиноят ишини кўришда иштирок этиш учун тайёргарлик кўриш, суд муҳокамасида жамоатчилик вакили иштирокининг натижаларини муҳокама қилиш). Бунда жамоат бирлашмаси ёхуд меҳнат жамоаси жиноят ҳақида ўз фикрини шакллантиради, суд муҳокамасида вакил орқали иштирок этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Иккинчи қисм эса, процессуал хусусиятга эга бўлиб, судга илтимосномалар бериш, жамоатчилик вакилларининг суд мажлисларида, жумладан, далилларни текшириш, суд терговидида иштирок этишида намоён бўлади ҳамда жиноят-процессуал

қонунчилиги асосида амалга оширилади. Бунда номзоди кўрсатилган жамоат айбловчиси бевосита суд мажлисида иштирок этади.

Жамоат айбловчиларининг номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларга жамоат бирлашмалари, жамоалар, жамоаларнинг мустақил тузилмалари, касаба уюшмалари киради. Суд, прокурор ёки терговчи жамоат бирлашмаси ёки муайян жамоани иш бўйича жамоат айбловчисини кўрсатишга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Жиноят ишлари бўйича судда иштирок этиш учун жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари айбланувчининг иш, ўқиш, яшаш жойидан, жабрланувчининг иш жойидан, жиноят содир қилинган жойдан кўрсатилади. Бироқ суд-тергов амалиётида жамоат айбловчилари асосан айбланувчининг иш жойидан

кўрсатилади.

Агар жамоат айбловчисининг судда иштирок этиши судьянинг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақидаги қарорида кўзда тутилган бўлса, бу ҳолат амалиётга тўлиқ мос тушади. Бунинг бир қатор қулай томонлари мавжуд: биринчидан, суд процессига жамоат айбловчисини киритишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш имкони юзага келади. Саббаби, зарурат бўлганида, жамоат бирлашмаси ёки жамоа ўз вакилини алмаштира олади; иккинчидан, жамоат айбловчисига олдиндан ўзи қатнашадиган иш материаллари билан танишиш имкони берилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, процессуалист олим Ф.М.Муҳитдинов томонидан жамоат айбловчисини ва жамоат ҳимоячисини жиноят процессининг субъектлари сафидан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган. Ҳуқуқшунос олимнинг фикрларига кўра, процесснинг икки иштирокчиси жамоат айбловчиси ва унинг оппоненти — жамоат ҳимоячисининг процессуал фаолияти Жиноят процессуал

кодексининг 25-моддаси назарда тутадиган жиноят-процессуал функцияларнинг бўлиниш ғоясига мос келмайди. Чунки сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотларга мувофиқ, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд муҳокамасига жуда кам ҳолларда таклиф қилинмоқда. Бунга мазкур институтнинг бугунги кунга келиб ниҳоятда эскирганлиги сабаб бўлмоқда. Ушбу иштирокчилар жиноят процессига собиқ шўролар томонидан киритилиб, ундан кўзланган мақсад ҳам, шахснинг жиноятни содир этишда айбдор ёки айбсизлигини аниқлашга қаратилмаган, балки жиноят ва жиноят содир этган шахсга сиёсий баҳо бериш билан чекланиб қолган.<sup>1</sup> Бироқ бизнинг фикримизча, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси институтлари жиноят ишлари юритувида жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб, бир томондан, процессуал аҳамиятга эга бўлса, бошқа томондан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш омили бўлиб хизмат қилади.

Айтиш керакки, Жиноят процессуал кодексининг 77-моддасида жамоат айбловчисини рад қилиш асослари кўрсатилган. Суд томонидан шахсни жамоат айбловчиси сифатида иштирок этишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг мавжуд ёки мав-

жуд эмаслиги текширилади. Агар бундай ҳолатлар аниқланса, судья жамоат айбловчисини ишга киритишни рад қилиш, жамоат бирлашмаси ёки жамоадан ишни судда кўриш учун вакил сифатида бошқа шахс ажратилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, суд муҳокамасида жамоат айбловчисининг иштироки масаласини ҳал қилишда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олиниши керак: жамоат бирлашмаси ёки жамоа йиғилиши қарорининг мавжудлиги; номзодни кўрсатиш тартиби ва шартларига риоя қилинганлиги; тегишли шахсни суд муҳокамасида иштирок этишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.

Маълумки, давлат айбловчини судда прокурор қувватлайди. Давлат айбловчиси — судда давлат номидан айбловни қувватловчи прокуратура органининг мансабдор шахси ҳисобланади. Жамоат айбловчиси эса, юқорида айтиб ўтганимиздек, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили сифатида қатнашади. У исталган пайтда процессдан уни вакил қилган жамоа томонидан чақириб олиниши мумкин. Процессда жамоат айбловчисининг иштирок этиши давлат айбловчисининг иштирок этиш-этмаслигига боғлиқ эмас.<sup>2</sup> Айбловнинг мазкур икки шакли мустақил равишда амалга оширилади.

Давлат ва жамоат айблови ўртасида раҳбарлик ва бўйсунуш каби муносабат мавжуд эмас. Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчиси — ёнма-ён равишда ҳаракат қиладиган суд муҳокамасининг тенг ҳуқуқли иштирокчиларидир. Жамоат айбловчисини прокурорга бўйсундириш, жамоат айбловини давлат айбловига боғлашга ҳар қандай интилиш жамоатчиликни жиноят судлов ишларини юритишга жалб қилишнинг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади.<sup>3</sup>

Айбловни амалга оширишда улар ўзаро бир-бирини тўлдириши ва бойитиши мумкин. Шу билан бир қаторда, судда айбловчиларнинг фикр-мулоҳазаларида фарқ бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Бундай пайтда жамоат айбловчиси ўз ички ишончига мувофиқ, ҳулосаларини билдириш ҳуқуқига эга. Демак, жамоат айбловчиси жиноят-процессуал фаолиятнинг мустақил субъекти бўлиб, ўз функцияларини давлат айбловчисига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширади.

Лекин иш материаллари билан танишишда, суд муҳокамаси жараёнида юзага келган масалалар бўйича прокурор жамоат айбловчисига ёрдам бериши лозим. Прокурорлар жамоат айбловчиларини суд процессига янада кўпроқ жалб қилиши ҳамда уларга зарур амалий

кўмак бериши лозим. Суд муҳокамасида жамоат айбловчисининг самарали иштирок этиши муайян даражада унга ёрдам кўрсатилаётганлигига боғлиқ.

Прокурорлар жамоат айбловчиларининг фаолиятига эътибор бериши, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, тегишли қонун ҳужжатлари, суд мажлисида иштирок этиш тартиби, жамоаларда жиноят иши юзасидан маърузалар қилиш тартиби билан таништириши керак.

Жамоат айбловчиларига суд ходимлари ҳам ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари мумкин. Улар жамоатчилик вакилларига ишни ўрганиш учун шароит яратадилар, процесс иштирокчиси сифатида ҳуқуқларини тушунтирадилар. Буларнинг барчаси далилларни текшириш ва музокараларда қатнашишда жамоат айбловчиларининг фаоллиги ошишига таъсир кўрсатади.

Жиноят процессуал кодексининг 409-моддасига кўра, прокурор айбловдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Жамоат айбловчиси ҳам Жиноят процессуал кодексининг 43-моддасига биноан, айбловдан воз кечишга ҳақли (давлат айбловчисига боғлиқ бўлмаган ҳолда). Демак, жамоат айбловчиси ўз ички ишончига асосланиб, судда прокурорнинг фикридан ўзгача мулоҳазага эга бўлиши мумкин. Ушбу

қоида жамоат айбловчисини суд муҳокамасининг мустақил иштирокчиси сифатида ҳеч кимга боғлиқ эмаслигини, давлат айбловчисидан мустақиллигини билдиради.

Жиноят процессида жамоат айбловчилари иштироки Жиноят процессуал кодексининг 21-моддасига мувофиқ, жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштирокининг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Жиноят ишини юритишда жамоат айбловчилари сифатида жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари қатнашишга ҳақлидирлар (ЖПК 21, 42-моддалар).

Суд муҳокамасида жамоат айбловчилари тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Жамоат айбловчиси тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, айбловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга, исбот қилишда иштирок этишга, шунингдек, айбловдан воз кечишга ҳақли (ЖПК 25, 43, 86-моддалар). Жамоат айбловчиси суд муҳокамасида иштирок этиши, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга кўмак-

лашиш каби процессуал мажбуриятларга ҳам эгадир (ЖПК 43-модда).

Суд-тергов амалиёти материаллари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жамоат айбловчиси қоида тариқасида, хусусий секторга тааллуқли бўлган корхона, муассаса, ташкилотга кўп ёки жуда кўп миқдорда моддий зиён етказилган ҳолларда қатнашади. Ўрганилган иш материалларида барча ҳолларда жамоат айблови ва давлат айблови ўзаро муносиблиги аниқланди. Яъни жамоат айбловчиси гарчанд, айбловни илгари суришда мустақил бўлса-да, унинг айблови барча ҳолларда давлат айблови билан устма-уст тушмоқда. Жиноят процессида жамоат айбловчилари, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари замонавий процессуал адабиётларда деярли ўрганилмаган.<sup>4</sup>

Таъкидлаш лозимки, жамоат айблови институти етарлича ривожланмаган бўлиб, жамоат айбловчисининг роли, унинг шахсига қўйилган талаблар, унинг далилларни баҳолашдаги иштироки масалалари мунозаралидир. Хусусан, жамоат айбловчиси суд муҳокамасида қатнашар экан, далилларни таҳлил қилиши, уларга баҳо бериши, жиноятни малакалаш, жазо тайинлаш, жазо тури ва миқдори, фуқаровий даъво сингари ҳуқуқий масала-

ларда ўз фикрини билдириши юридик жиҳатдан тўғри бўлмайди. Фикри-мизча, жамоат айбловчисининг роли ва ваколатлари давлат айбловчисидан кўра, кўпроқ жабрланувчига яқинроқ бўлади. Шу боис, суд-тергов амалиётида ҳам ушбу масалалар прокурор томонидан ёритилмоқда, жамоат айбловчисининг тарафлар музокарасидаги асосий роли эса, ишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ёритиб бериш ва жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг айбланувчи тўғрисидаги фикрини етказишга қаратилмоқда.

Шунингдек, жамоат айбловчиси тарафлар музокарасида давлат айбловчисидан фарқ қилувчи нуқтаи назарни қувватлаши мумкинми, деган саволнинг ечими ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Ушбу савол юзасидан шуни таъкидлаш лозимки, жамоат айбловчиси суд муҳокамасининг мустақил ва тўлақонли иштирокчиси ҳисобланади ҳамда барча масалалар юзасидан ўз фикрини бошқа суд муҳокамаси иштирокчилари, шу жумладан, прокурордан мустақил равиш-

да билдира олади. Акс ҳолда жамоат айбловчиси суд муҳокамасининг мустақил иштирокчиси сифатидаги аҳамиятини йўқотади ва ўзига хос давлат айбловчисининг ёрдамчисига айланиб қоладики, бу қонун мазмуни ва талабига зиддир. Албатта, прокурор ва жамоат айбловчиси ўртасида улар зиммаларига қонун билан юкланган функцияларни самарали ва тўғри амалга оширишлари учун тегишли алоқа ўрнатилиши: суд муҳокамаси давомида вужудга келиши мумкин бўлган барча асосий масалалар бўйича фикр алмашилиши, жиноят иши бўйича асосий масалалар бўйича ўзаро хабардор бўлишлари, айбловнинг асосий бандлари бўйича хулоса ва таклифларни муҳокама қилиб олишлари мақсадга мувофиқ. Ушбу чора-тадбирларнинг ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва дўстона руҳда ўтиши, жиноят иши бўйича жамоат айбловчининг муваффақиятли қувватланишига хизмат қилади.

Умуман олганда, бу бо-радаги адабиётлар ва суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш асосида жи-

ноят иши бўйича жамоат айбловчилари фаолиятини, шу жумладан, уларнинг жиноят ишида қатнашиш асосларини янада такомиллаштириш мақсадида айблов хулосаси имзоланиб, жиноят иши материаллари судга юборилиш вақтида тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларни содир этилган жиноят ва унда айбланувчининг роли ҳақида хабардор қилиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу ушбу жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг жамоат айбловини қувватлаш борасидаги фаолиятини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, жамоат айбловчилари ўз процессуал ҳуқуқларини суд процессига киритилган пайтдан амалга оширадилар ва ўз фаолиятларини суд музокараларида яқунлайдилар. Демак, жамоат айблови тарзидаги жиноий таъқиб жиноят процессининг муҳим институтларидан бири бўлиб, одил судловни самарали амалга оширишга хизмат қилади ва у янада мустақамланиши, шакллантирилиши лозим.

<sup>1</sup> Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: мо?ият, мазмун, шакл. - Тошкент: Адолат, 2002. - Б. 146-147.

<sup>2</sup> Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебное пособие. - М., 1998. - С.233.

<sup>3</sup> Павлов Н.Е. Субъекты уголовного процесса. - М., 1997. - С.187.

<sup>4</sup> Ушбу масалалар жиноят процессида айбловга бағишланган айрим тадқиқот ишларида қисман ва саёз ўрганилган. Масалан, қаранг: Михайлов А.А. Правовая природа и сущность обвинения в уголовном процессе // Вестник ТГПУ. - 2006. - Выпуск 11 (62). - С.89-91.; Гатауллин З.Ш. Понятие "обвинение" и этапы его формулирования // Scientific network The Modern law ([www.sovremennopprav.ru](http://www.sovremennopprav.ru)); Андреев В.А. Обвинение в российском уголовном процессе: понятие, сущность, значение и теоретические проблемы реализации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Екатеринбург, 2009. - 22 с.; Бобылев М.П. Обвинение как предмет уголовного правосудия в современной России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Уфа, 2004. - 24 с.; Харчикова В.Ш. Формирование обвинения в уголовном процессе России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Кемерово, 2004. - 24 с.



# Жиноят-процессуал муносабатларни интенсификациялаш

*Маълумки, жиноят ишини юришувчи шахснинг ваколатлари, шунингдек, унда иштирок этувчи шахснинг муайян ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқининг доираси ёки муайян ҳаракатни бажариш мажбуриятининг даражаси, шубҳасиз, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун белгиланган мuddатлар билан ўзаро уйғундир.*

**Нодиржон ХАЙРИЕВ,**  
тадқиқотчи

Айтиш жойизки, жиноят процесси доирасида юришиладиган ҳаракатлар тизими ҳамда уларнинг муайян вақт бирлигида амалга ошириш тартиби бевосита жиноят процесси кўзлайдиган мақсад ва вазифаларга, процессуал кафолатлар механизмининг шаклланиш хусусиятларига, шунингдек, кўплаб бошқа ҳолатларга боғлиқдир.

Лекин жиноят процессида қайд этилган институциявий жиҳатларнинг мазмун-моҳиятини бевосита процессуал муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий ғояси бўлган принципларда кўриш мумкин.

Жиноят процессининг принципларига оид масалалар кўплаб тадқиқотларнинг объекти ва предмети бўлиб келган. Лекин шунга қарамай, уларнинг ечилмаган ҳали кўплаб қирралари мавжуд. Шулардан бири, жи-

ноят процессининг самарали амалга оширилишини таъминловчи принциплар доирасини кенгайтириш ёхуд принципларни жиноят процессининг асосий ғоясини акс эттирувчи принциплар тизими доирасида шакллантириб бориш зарурлиги ҳақидаги қарашлардир.<sup>1</sup>

Албатта, ушбу масалани ҳал қилишда аввало принциплар тушунчаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур. Адабиётларда жиноят процессининг принциплари турли хил равишда талқин этилади. Масалан, баъзи ҳуқуқшунос олимларнинг қарашларига мувофиқ, принципларнинг умумий, соҳавий, соҳалараро каби тааллуқлилигига қарамай, уларнинг асосий ва раҳбарий хусусияти муҳим ҳисобланади.<sup>2</sup>

Бошқа олимларнинг фикрига кўра, ғоявий асосга эга принциплар-

дан ташқари жиноят процессида, шунингдек, процессуал қоидаларни белгиловчи принциплар ҳам мавжуд.<sup>3</sup>

Аммо муаммо фақат принципларнинг тизимини кенгайтириш ёки торайтириш ёхуд унинг қоида ўрнатувчи аҳамияти билан боғлиқ бўлмай, балки процессуал ҳуқуқ соҳасида устувор бўлган ғоялар тизимини акс эттириш лозим. Бу аввало, жамиятнинг одил судловга бўлган эҳтиёжларини акс эттиради, яъни қисқа қилиб айтганда, принциплар жамиятда адолатли ва самарали судлов юришуви тизимини ташкил этишга қодир эканлигини намоён этади.

Жумладан, Жиноят процессуал кодексининг алоҳида боби жиноят процесси принципларига бағишланган (2-боб). Аммо назаримизда, ушбу бобга кирувчи барча қоидаларни принцип сифатида эътироф этиш ўринсиз. Жумладан, юқоридаги илмий қоидаларга "Жиноят ишини

қўзғатишнинг муқаррарлиги” принципи унчалик ҳам мос келмайди. Негаки, жиноят процессининг бир категорияси ҳам процессуал муносабатларни вужудга келтирувчи ҳуқуқий акт ва жиноят процессининг принципи бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари Жиноят процессуал кодексининг 15-моддаси мазмунига кўра, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолатда, жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари лозим.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг 321-моддаси етарли сабаб ва асослар мавжуд бўлганда жиноят ишини қўзғатиш мажбурияти вужудга келишини эътироф этса, кодекснинг 322-моддаси эса, ушбу процессуал муносабатни вужудга келтирувчи сабабларга қуйидагиларни:

- шахсларнинг аризалари;

- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;

- оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;

- жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг бевожуба ўзи аниқлаши;

- айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзни киритади.

Мазкур процессуал муносабатларни вужудга келтирувчи асосни эса, жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар ташкил этади.

Бироқ жиноят-процессуал қонунчилигига биноан сабаб ва асослар мавжуд бўлганда ҳам жиноят иши қўзғатилмаслиги мумкин. Жумладан, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги; эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки унинг шахсга дахлдорлиги; иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатилдиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаганлиги кабилар ва умуман Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган бошқа ҳолатлар аниқланганда, агар жиноят ишини қўзғатиш учун формал сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам Жиноят процессуал кодексининг 333-моддасидаги қоидаларга амал қилиб, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиши

мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш — ишни юритишнинг бошлаш учун асос бўлиши ҳақидаги масала сифатида айрим жиноят процесси моддаларида мавжуд эмас. Хусусан, англо-америкача судлов юритуви шаклидан ташқари, бундай процессуал акт ва принцип ГФРнинг Жиноят процессуал кодексига назарда тутилган эмас.<sup>4</sup>

Шунингдек, МДҲга аъзо давлатларнинг биронтасида ҳам, масалан Россия Федерацияси,<sup>5</sup> Беларусь Республикаси,<sup>6</sup> Қозоғистон Республикаси,<sup>7</sup> жиноят-процессуал қонунчиликларида жиноят ишини қўзғатиш масаласига принцип сифатида эмас, балки процессуал-ҳуқуқий акт сифатида қаралади.

Хуллас юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги қоидасини принцип сифатида эмас, балки жиноят-судлов юритувини бошлаш учун муҳим бўлган процессуал-ҳуқуқий акт тарзида этироф этиш мақсадга мувофиқ. Негаки, жиноят процессининг бошлашда ҳисобга олинандиган жиноят ишини қўзғатиш масаласига тааллуқли муҳим қоида — уларни амалга ошириш муддати билан боғлиқдир (чунки ушбу принцип назарда тутилган ғояни амалга оши-

риш муддатларини белгилашнинг ўзи унинг устивор ғоя сифатидаги мақомини пасайтиради). Жиноят процессуал кодексининг 329-моддасига мувофиқ, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi билан қуйидагилар:

- дарҳол ( яъни шу заҳотиёқ);

- айрим ҳолларда уч суткадан кечиктирмасдан;

- жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмай кўриб чиқилиши лозимдир.

Замонавий жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида принциплар тизимини ташкил қилиш масаласида икки умумий йўналиш шаклланди.

Биринчи йўналишнинг марказидан жиноят процесси принциплари чегарасини қисқартириш ғояси ўрин олган. Жумладан, ҳуқуқшунос олим И.А.Пикалов жиноят процессида фақат қонунийлик ва тортишув принципни сақлаб қолишни таклиф этади. Унинг ёзишича, қайд этилган принциплардан ташқари уларнинг барчаси жиноят-судлов ишларини юритишнинг асос ва шартларини ўрнатувчи

процессуал-ҳуқуқий тартиб сифатида хизмат қилиши лозим.<sup>8</sup>

Иккинчи йўналишда, аксинча, жиноят процессини бошқа принциплар билан бойитиш орқали унинг тизимини кенгайтириш зарур деб ҳисобланади.<sup>9</sup>

Мана шу нуқтаи назарни қувватлаган ҳолда, мамлакатимиз жиноят процессини айрим, хусусан, "Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадага мувофиқ муддатлари" каби принцип билан тўлдириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда мақсадга мувофиқликнинг жиноят процессига таъсирини таҳлил қилишдан аввал, унинг мазмунини аниқлаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Демак, умумий илмий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқлик деганда, субъект онгининг бир маромда фаолият юритишини назарда тутувчи ҳамда унинг ашё ва ҳодислар ўртасидаги ташқи ва ички алоқаларини, мазмунига оид жиҳатларни ва тизимлашганлик, тартибланганлик каби хусусиятларини англаш мумкин.<sup>10</sup>

Ҳуқуқий-норматив актларнинг матнида "мақсадга мувофиқлик" тусунчасидан асосан субъектив ҳуқуқ ҳамда мажбурият ўртасида чегара ўрнатиш мақсадида фойдаланилади. Шу боис

объектив ҳуқуқда ҳаракатнинг кўлами қанчалик тор доирада ёритилган бўлса, мақсадга мувофиқлик мезонини қўллаш имкониятини шунчалик оширган ҳолда, ушбу ҳуқуқнинг рухсат берувчи ёки талабга мос ҳуқуқатворда бўлишдек ҳуқуқий моделга мансублигини акс эттиради.<sup>11</sup>

Шундан келиб чиқиб, жиноят процессида мақсадга мувофиқлик принципининг аҳамиятини аниқлайдиган бўлсак, у жиноят-судлов юритувида иштирок этувчи шахслар учун субъектив ҳуқуқ имкониятларини суиистъемол қилмасликлари учун чегара белгилаб, уларнинг ҳаракатларини жиноят-ҳуқуқий модел мақсадларига, бошқа шахсларнинг эркинлиги ва қонуний манфаатларига ҳамда жамият ва давлат манфаатларига мослаштиришни назарда тутди.<sup>12</sup>

Мақсадга мувофиқликка оид турли илмий нуқтаи назарларни эътироф этган ҳолда, Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 6<sup>1</sup>-моддасига қуйидаги қоидалар киритилган:

1) умумий қоида, унда жиноят-судлов ишларини юритиш мақсадга мувофиқ муддатда амалга оширилиши зарурлиги эътироф этилади;

2) жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддат-

ларининг ҳажми ва унинг асос ва шартларига оид қоидалар. Шунга кўра, Жиноят процессуал кодексига белгиланган муддатлар мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф этилиб, унинг узайтирилишига йўл қўйилади. Шу билан бирга, жиноий таъқиб, жазо белгилаш ва жиноий таъқибни тугатиш мақсадга мувофиқ муддатларда амалга оширилиши зарурлиги ҳақидаги қоидалар билан бойитилади;

3) жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатларини белгилашда иш бўйича жиноий таъқиб фаолиятининг бошланишидан то унинг тугатилиши ёхуд айблов ҳукмининг қабул қилинишига қадар вақтни ўз ичига олувчи; шунингдек, жиноят ишининг ҳуқуқий ва фактик мураккаблиги; жиноят процесси иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари; суд, прокурор, тергов органи бошлиғи, терговчи, суриштирув органи бошлиғи, суриштирув органи ва суриштирувчи томонидан ишни ўз вақтида кўриб чиқиши ҳамда жиноий таъқибни ўз вақтида олиб борилишга йўналтирилган ҳаракатларнинг етарли ва самарали эканлиги; жиноят-судлов юритуви учун белгиланган умумий муддатлар ҳажми каби ҳолатларни назарда тутати;

4) мазкур масалани шакллантиришда суриштирув ва тергов органлари, прокуратура ва суд органларининг ишини ташкил қилиш ҳамда жиноят ишини турли босқичларда кўриб чиқиши каби ҳолатлар аҳамиятга эга бўлмаслиги муҳим ўрин тутиши таъкидланади;

5) мазкур принцип тарафларга суд муҳокамасининг узоқ вақт давом этаётганлиги боис, суд раисига ёзма мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлайди;

6) мазкур норма иш муҳокамасининг узоқ вақт давом этиши борасидаги мурожаатни кўриб чиқиш муддатлари ва ҳал қилиш асос ва шартларини эътироф этади.

Қайд этилган принципнинг мазмунига тушунтириш беришда Россия Федерацияси Олий Судининг 2010 йил 23 декабрдаги 30/64-сонли Пленум қарори қуйидаги ўзига хос мезонларни эътироф этади:

- жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари қонун нормаларида белгиланган бўлиши;

- ишни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари адолат мезонларига мос бўлиши;

- жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари ишни дастлабки

терговда юритиш ҳамда оммавий тартибда судда кўриб чиқиш босқичларини ўз ичига олиши;

- жиноят ишининг юритилишига жалб этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар жиноят-судлов юритувининг мақсадга мувофиқ муддатларини бузилиши туфайли кўрадиган зарарларни қоплаш ҳуқуқи билан таъминланиши лозим.<sup>13</sup>

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатларини принцип сифатида эътироф этиш назарий ва амалий жиҳатдан ўринлидир. Мазкур принцип мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигидаги принциплар тизимидан жой олиши зарур ва унинг қуйидаги таҳририни тавсия этамиз:

22<sup>1</sup>-модда: Жиноят ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари  
"Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мақсадга мувофиқ муддатлари жиноят ишининг барча ҳолатларини аниқлашни, жиноят содир этган шахснинг қилмишларини фош этишни, унинг айбини ҳам оғирлаштирувчи ва ҳам енгиллаштирувчи ҳамда оқловчи маълумотларни етарлича тўплашни ва самарали

бахолашни таъмин этувчи вақт тушунчасини ўз ичига олиб, ўз вақтида айбловни бошлаш, жазо белгилаш ёки айбловни тугатиш, суд қарорини ижро этиш мақсадида мазкур Кодексда белги-ланган суд-тергов фао-лиятини, шунингдек, жи-ноят процессига жалб қилинган шахсларнинг ҳаракатларини турли босқичларда амалга ошириш муддатларини назарда тутати. Процес-суал муддатлар ушбу кодексда ўрнатилган асос ва шартларда узай-тирилиши мумкин.

Мақсадга мувофиқ муддатлар жиноят-суд-лов ишларини адолатли тартибда юритилишини кафолатлайди. Жиноят ишида иштирок этаётган шахслар ишни дастлаб-ки терговда юритиш ёхуд суд муҳокамасининг узок вақт давом этаётганлиги

тўғрисида судга ҳамда ишни кўриб чиқаётган суднинг раисига ёзма ра-вишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундай мурожаат дастлабки тер-гов устидан назорат олиб бораётган прокурор, ишни кўриб чиқаётган суд ёки суд муҳокамаси-нинг узок вақт давом этаётганлиги тўғрисида шикоятни кўриб чиқаёт-ган суднинг раиси томо-нидан кўпи билан уч сут-кадан кечиктирмасдан ҳал этилиши зарур. Ши-коятга асосан прокурор, суд ёки суд муҳокамаси-нинг узок вақт давом этаётганлиги тўғрисида шикоятни кўриб чиқаёт-ган суднинг раиси иш-нинг ҳолатларидан, исбот қилишнинг хусусиятлари-дан келиб чиққан ҳолда, мазкур кодексда белги-ланган муддатларни мақ-садга мувофиқлик асо-сида қисқартиришлари

мумкин. Алоҳида ҳоллар-да муддатларни қисқар-тириш прокурорнинг ёки суднинг ташаббуси би-лан ҳам амалга ошири-лишга йўл қўйилади.

Ҳар бир шахс ишлар-ни юритиш учун белги-ланган процессуал муд-датларга риоя этилмас-лиги туфайли ўзига ет-казилган мулкӣ зиённи ундириш ва маънавий зар-рарнинг оқибатларини бартараф этиш масала-сида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга".

Мана шундай мазмун-ни ифода этувчи жиноят процесси принципнинг қонунга жорий этилиши жиноят-процессуал му-носабатларни интенсификациялашнинг устувор гоёси ҳамда унинг ишти-рокчиларига тақдим этилган процессуал ка-фолатнинг бошлови си-фатида хизмат қилиши мумкин.

<sup>1</sup> Масалан қаранг: Тиричев И. В. Принципы уголовного процесса. -М.: 1983; Еникеев З. Д. Принципы применения мер пресечения по уголовным делам. -Уфа: БашГУ, 1997; Гриненко А.В. Система принципов уголовного судопроизводства и их реализация на досудебных стадиях: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. -Воронеж: 2001; Логунов О. В. Система принципов современного российского уголовного судопроизводства. -СПб.: 2004; Иноғомжонова З. Ф. Жиноят процессида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текширишда суд назорати. -Т.: ТДЮИ, 2006; ва бошқа асарлар.

<sup>2</sup> Масалан қаранг: Баландин В. Н. Принципы юридического процесса: Дисс... канд.юрид.наук. Самара, СамГУ, 1998.

<sup>3</sup> Қаранг: Нажимов В. П. О системе принципов организации и деятельности уголовного суда. -Калининград: Калининградский гос.ун-т, 1970.

<sup>4</sup> Қаранг: Федеративная Республика Германии. Уголовно-процессуальный кодекс /Перевод с немец. И приодсловие Б. А. Филимонова. -М.: Изд.-во "Манускрипт", 1994.

<sup>5</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 13.07.2015) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.09.2015). [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)

<sup>6</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. Текст кодекса с изменениями и дополнениями на 20 марта 2013 года. <http://pravo.levonevsky.org/kodeksby/upk/>

<sup>7</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. -Астана: 2014. <http://yvision.kz/post/419640>

<sup>8</sup> Қаранг: Пикалов И. А. Состязательность в системе принципов уголовного процесса и ее реализация стороной защиты на досудебных стадиях: автореф. дисс...канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2006. -С.8.

<sup>9</sup> Қаранг: Зинатуллин З. З. Основные вопросы современного российского процесса и их решение //Вестник Омского университета университета. Серия Право. №1 (4). Омск, 2008. -С.101.

<sup>10</sup> Қаралсин: [www.mirbudushego.ru](http://www.mirbudushego.ru).

<sup>11</sup> Қаранг: Иванова С. А. Некоторке проблемқ реализации принципа социальной справедливости, разумности и добросовестности в обязательственном праве //www.lawmix.ru

<sup>12</sup> Қаранг: Рябцева Е. В. Реализация принципа разумности в уголовном процессе России //Материалы международной научной конференции 6-8 октября 2010 г. "Уголовная юстиция: связь времен" //http://www.itaj.net/book/export/html/463.

<sup>13</sup> Қаранг: Постановление Пленума Верховного Суда Российской Федерации и Пленума Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации от 23 декабря 2010 г. N 30/64 г. Москва "О некоторых вопросах, возникших при рассмотрении дел о присуждении компенсации за нарушение права на судопроизводство в разумный срок или права на исполнение судебного акта в разумный срок" /Бюллетень "РГ" Федеральный выпуск №5381, 14.01. 2011 г.

# Мулкий зиён

## уни суриштирув органлари томонидан қопланишининг ҳуқуқий асослари

Маълумки, ҳаётда содир бўладиган ҳар қандай жиноят мулкий, жисмоний ёки маънавий зарар келтириб чиқаради.

Шу боис жиноят иши материаллари, айбловдан ташқари, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳужжатларини ҳам ўзида мужассам этади. Назария ва қонунчиликда бундай материаллар жиноят процессида фуқаровий даъво деб номланади.

**Шохруд ФАЙЗИЕВ,**  
тадқиқотчи

Яъни жиноят процессида фуқаровий даъво институти жабрланувчининг ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш кафолатларидан бири ҳисобланади. Мазкур институт Жиноят-процессуал кодексининг 275-моддасига мувофиқ жабрланувчига бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахсининг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида етказилган мулкий, жисмоний ёки маънавий зиённи қоплашга қаратилган.

Маънавий зарарни қоплаш институтининг мақсади — шахс дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳисобланади.<sup>1</sup>

Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш асосида ягона юридик факт ётади. Жиноят оқибатида мулкий ва маънавий зарар етказилган бўлса, жиноят содир этганлиги учун шахсни жиноий, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши тушунилади.<sup>2</sup>

Суд томонидан жиноят иши ва фуқаровий даъвони бирлаштириб кўрилиши иш ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ўрганилишига, шунингдек, суд ишларида айнан бир ишнинг қайта-қайта кўрилишига барҳам беради.<sup>3</sup>

Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддаси 4-қисмига эътибор қаратадиган бўлсак, унда "жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш" деган тушунча қайд этил-

ган. Демак, суриштирув органлари зиммасига жиноятнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш каби вазифаларни бажариш билан бир қаторда жиноят туфайли етказилган мулкий зиён қопланишини таъминлаш сингари масъулиятли вазифа ҳам юклатилган.

Суриштирув органлари мазкур вазифаларни кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириш билан бирга бажарадилар ва бунда мулкий зиённи қоплаш масаласини ҳал қилишда охириги нуқтани суд қўяди. Жиноят ишлари кўрилатган суд мажлисида мулкий зиённи қоплаш масаласи, асосан, фуқаровий даъво киритиш тартибида кўриб чиқилади.

Жиноят судида фуқаровий даъво масалаларини ҳал қилишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

1. Жиноят ишларини юритиш даврида фуқаровий даъвони қондириш масаласини ҳал қилишда фуқаровий даъвогардан бож ундирилмайди.

2. Жиноят ишларини юритишда фуқаровий даъво масаласини жиноят иши билан бирга ҳал қилиниши келгусида мулкий зиён кўрган шахсларни ортиқча сарф-харажатдан, оворагарчиликдан халос этиш билан бирга фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожат қилиш-

нинг олдини олади.

3. Бир томондан, жиноят процессида фуқаровий даъво бу — комплекслашган жиноят-процессуал ҳуқуқий институт ҳисобланади. Бошқа томондан эса, бу — жиноий иш юритувида фуқаронинг ёки юридик шахсларнинг айбланувчига ёки айбланувчининг ҳаракатлари учун мулкӣ жавобгарликни ўз зиммасига олган шахсларга жиноят оқибатида етказилган мулкӣ ва манавий зарарни қоплаш ҳақидаги талабидир.

Айтиш керакки, суриштирув жараёнида фуқаровий даъво бўйича иш юртиш Жиноят процессуал кодексида назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фуқаровий даъво бўйича юзага келадиган процессуал муносабатлар Жиноят процессуал кодекси билан тартибга солинмаган бўлса, унда жиноят процесси принципларига хилоф бўлмаган фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланилади (Жиноят процессуал кодексининг 280-моддаси).

Суриштирув органлари томонидан жиноят туфайли етказилган мулкӣ зиён қопланишини таъминлаш ҳукмининг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкӣ ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкӣни хатлаш билан амалга оширилади.

Мулкӣни хатлаш суриштирувчининг қарори бўйича амалга оширилади.

Суриштирувчи ҳукмининг мулкӣ ундириш ёхуд мулкӣ йўсиндаги жазо қисмини ижросини таъминловчи чораларни кўрмаган тақдирда, ишни юритаётган суд унга бундай чораларни кўриш мажбуриятини юклайди (Жиноят процессуал кодексининг 290-моддаси).

Ҳукмининг ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримнинг фуқаровий даъвони қаноатлантиришга, шунингдек, бошқа мулкӣ ундиришларга оид қисми фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ижро этилади (Жиноят процессуал кодексининг 286-

моддаси).

Юридик адабиётларда ушбу институтни қонундан чиқариб ташлаш ҳақидаги фикрлар ҳам мавжуд.<sup>4</sup> Жиноят процессида фуқаровий даъвонинг кўриб чиқилишига қарши бўлган олимлардан В.Бозоров ўз фикрларини қуйидагилар билан асослайди:

- фуқаровий даъво бўйича иш юртиш жиноят процессининг моҳияти ва табиатига мос келмайди ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш ва ундан озод қилишнинг қонун билан белгиланган тартибига тааллуқли эмас, яъни фуқаровий даъво жиноий жавобгарликни назарда тутмайди;

- барча фуқаровий ҳуқуқий низоларда бўлгани каби фуқаровий даъво бўйича иш юртишда ҳам айбсизлик презумпцияси қўлланилади. Яъни фуқаролик судида фуқаровий даъвогар ўзи талаб қилаётган даъвони исботлаб бериши лозим. Жиноят процессида эса, аксинча, айбсизлик презумпцияси мавжуд бўлиб, бунга кўра, айбдор ўз айбсизлигини исботлашга мажбур эмас ва айб суд қарори билан қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча, шахс айбсиз ҳисобланади.

- жиноят процессида жиноят иши билан бирга фуқаровий даъвонинг кўриб ҳал қилиниши бирмунча кенгроқ процессуал-ҳуқуқий регламентни талаб қилади (қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан бу муайян қийинчиликлар туғдиради). Қолаверса, жиноят ишлари бўйича шугулланувчи судьялар фуқаролик — процессуал қонун ҳужжатларига мурожаат қилиб, шу асосда ҳукм чиқаришга мажбур бўлишади. Бу ҳолат, албатта, ишнинг сифатига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Фуқаровий даъво институтининг жиноят процессида кўриб ҳал қилинишига қарши бўлган фикр тарафдорлари ўз позицияларини сақлаш мақсадида турли хил далиллар ва бошқа статистик маълумотлар келтиришади. Юқоридаги маълумотлар асосида улар фуқаровий даъво бўйича ишларнинг жуда оз қисми жиноят процессида кўриб ҳал

қилинганлиги ва аксарият қисми фуқаролик судларига юборилганлигини хулоса сифатида айтиб ўтишган.

Бизнинг фикримизча, жиноят процессида фуқаровий даъво институтининг мавжуд бўлиши жиноят процессуал иш юритиши вазифалари ва тамойилларига ўзининг салбий таъсирини ўтказмайди. Аксинча, ушбу институтнинг мавжуд бўлиши жиноят натижасида жабрланган шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят процессуал кодексига 1995 йилдан ҳозирги кунга қадар 20 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини инобатга олган ҳолда таҳлил қилганимизда, унда қўлланилган бир-бирига яқин қуйидаги сўз бирикмаларини учратишимиз мумкин. 1) мулкий зиён; 2) моддий зиён; 3) мулкий зарар; 4) маънавий зиён. (Масалан "мулкий зиён" сўз бирикмаси кодексда 14 маротаба: 275, 276, 277, 283, 285, 303, 304-307, 312, 313, 470, 577-моддаларда; "мулкий зарар" 10 маротаба 54, 56, 154, 211, 302, 396, 398, 413, 457, 467-моддаларда; "маънавий зиён" 4 маротаба 302, 303, 304, 313-моддаларда; "моддий зиён" 1 маротаба 339-модда 4-қисмида қўлланилган).

Кўриниб турганидек, моддий зиён фақат Жиноят процессуал кодексининг 339-моддасида қўлланилган холос. Бу, ўз навбатида, айрим тушунмовчилик ва қонун нормаларини қўллашда хато ва камчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Моддий зиён деганда, жиноят, шунингдек, ақли наросо шахсининг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида жабрланувчига етказилган мулкий кўринишдаги зиён тушунилади.

Жиноят процессида зарар ва зиён тушунчаларини фарқлашимиз лозим.

Фикримизча, Жиноят процессуал кодексига қўлланилган юқорида санаб ўтилган сўз бирикмаларининг аниқ ва барчага тушунарли бўлиши, шунингдек, қонун нормаларининг янада такомиллашувини таъминлаш мақсадида Жиноят процессуал кодексининг 339-модда 4-қисмида назарда тутилган "моддий зиён" сўзларини "мулкий зиён" сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари Жиноят процессуал кодексининг 398-моддасида судья дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклайди дея қайд этилган. Кўриниб турганидек, Жиноят процессуал кодексининг 398-моддасида фақатгина дастлабки тергов жараёни ва терговчи ҳақида тўхталиб ўтилган холос. Ваҳоланки, Жиноят процессуал кодексининг 339-моддасида суриштрув органларига мулкий зиённи қоплаш чораларини кўриш вазифасини юкланган. Шундан келиб чиқиб, Жиноят процессуал кодексининг 398-моддасини қуйидаги янги таҳрирда бериш лозим:

398-модда. Мулкий зарарни қоплашни таъминлаш чоралари

"Судья дастлабки тергов ва суриштрув юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, суриштирувчи, терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклайди".

<sup>1</sup> Фомченков А. Компенсация морального вреда, причиненного преступлением // Законность, 2005, N 6 <http://subscribe.ru/archive/law.trudpravo/200610/29050535.html>

<sup>2</sup> Гурвич М.А. Учение об иске. М., 1981, -Б. 7.

<sup>3</sup> Учебник уголовного процесса. / Отв. ред. А.С. Кобликов. М.: Спарк, 1995, -Б. 117.

<sup>4</sup> Бозров В. Гражданский иск в уголовном процессе неуместен // Российская юстиция. 2001. № 5. Б. 29-30.



# Фуқаролик суд ишларини юретишда тарафларнинг иштироки

*Мамлакатимизда фуқаролик ишларини судга кўриш ва ҳал этиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчиликнинг қабул қилиниши ҳамда давр талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштирилиши фуқаролик ишларида иштирок этувчи шахслар ичига асосий ўринни эгалловчи тарафларнинг ҳуқуқий мақомини ўрганишни талаб этади. Тарафлар, яъни даъвогар ва жавобгарлар асосан даъво тартибига кўриладиган фуқаролик ишларида иштирок этади.*

**Фотиҳ КАРАБАЕВ,**  
ҳуқуқшунос

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 39-моддасига кўра, даъвогар деганда, ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш қўзғатилган шахсга айтилади. Мазкур моддада баён этилганидек, қонунчилик даъвогарнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг қуйидаги икки шаклини назарда тутаяди:

биринчидан, даъвогар бу — ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган шахс; иккинчидан, даъвогар бу - бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш мақсадида судга мурожаат қилувчи шахсларнинг аризасига кўра, иш қўзғатилган шахс.

Биринчи ҳолатда даъвогар процессни бошлаб беради, иккинчисида эса, суд процесси бошланганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда суд томонидан жалб этилади. Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишини прокурор (Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддаси), шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар томонидан (Фуқаролик процессуал кодексининг 48-моддаси) қўзғатишга йўл қўйилади. Масалан, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳу-

қуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли ҳисобланади. Ёки "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати ус-тидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Мазкур ҳолатларда ходимларнинг ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилган бўлиб, улар низоли ҳуқуқий муносабат

субъектлари ҳисобланади ва шунинг учун ҳам ушбу шахслар фуқаролик ишида даъвогар сифатида эътироф этиладилар.

Фуқаролик процессининг иккинчи тарафи жавобгар ҳисобланади. Жавобгар суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахсдир (Фуқаролик процессуал кодексининг 39-моддаси).

Шундай қилиб, даъвогар ва жавобгар низоли-ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳисобланиб, уларнинг процессуал манфаатлари бири-бири билан зид. Суд ҳал қилув қарори ҳам биринчи навбатда уларга нисбатан татбиқ этилади. Тарафлар зиммасига суд харажатларини тўлаш мажбурияти юклатилади.

Маълумки, тарафлар тушунчаси даъво тартибида юритиладиган ишларда иштирок этувчи шахсларга нисбатан қўлланилади. Бироқ тарафлар тушунчасига нисбатан бошқа ёндашувлар ҳам борки, унга кўра, тарафлар сифатида ўзининг моддий-ҳуқуқий ва процессуал манфаатларини ҳимоя қилишга киришган ва суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори таъсир кўрсатадиган моддий-ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳам эътироф этилади. Тарафлар-

нинг тушунчасини бундай белгилаш, даъво тартибида иш юритиш каби маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, шунингдек, айрим ҳолларда алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳам қамраб олади. Шу боис мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 281-моддасида алоҳида тартибда юритиладиган ишда аризачи (даъвогар) ва ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс (жавобгар) иштирок этувчи шахслар деб эътироф этилган.

Шундай экан, тарафлар тушунчасини кенг маънода тушунтириш, ўз навбатида, суд ишларини юритиш бошқа турларида, хусусан, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларда ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда иштирок этувчи шахсларга аниқ таъриф беришни тақозо этади. Масалан, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритишда суд орқали ҳимояланиш мақсадида мурожаат қилган шахсларни аризачи ёки шикоятчи, ариза ёки шикоят кимга нисбатан берилган бўлса, уларни жавобгар деб номлаш мумкин. Чунки мазкур суд ишларини юритишда иш-

тирок этувчи шахс ўзига нисбатан берилган шикоят (ариза) бўйича жавоб беради. Худди шундай атамани алоҳида тартибда юритиладиган айрим ишларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессуал қонунчилигида низосиз ишларда иштирок иштирок этувчи шахсларнинг аниқ белгиларини белгилаб берувчи шартли атамаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга олиб келади. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг "Алоҳида тартибда иш юритиш" деб номланган 4-кичик бўлимидаги айрим моддаларда "аризачи (даъвогар)" жумлалари ишлатилганини кўрамиз. Бу эса, ўз-ўзидан барча суд ишларини юритиш турларида ишнинг якунидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлган икки қарама-қарши томонлар иштироки ҳақидаги хулосаларни келтириб чиқаради. Шундай экан, миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимизда алоҳида тартибда юритиладиган ҳамда органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларда иштирок этувчи шахслар атамасига аниқ таъриф ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

## ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

**Кассация инстанциясининг хулосаси моддий-ҳуқуқ нормалари талабига зид бўлганлиги сабабли суд ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.**

К.Норматов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2011 йил 20 октябрдаги давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан Р. Ҳамроев кўчасидаги 10-уйни Н.Шаховскаядан сотиб олганлигини, аммо Л.Гафарова низоли уйни бўшатиб беришдан бош тортаётганлигини қайд этиб, уни уйдан кўчиришни сўраган.

Ўз навбатида, Л.Гафарова ҳам судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, эри А.Гулин билан низоли уйни Д.Абраев ва М.Абраевалардан 1998 йилда яроқсиз ҳолатда сотиб олиб, кейинчалик уни таъмирлаб, қўшимча қурилишлар қилганлигини, лекин Абраевлар уйни расмийлаштириб бермаганликларини, Н.Шаховская ва К.Норматовлар уй низоли бўлганига қарамасдан, нотариал тартибда олди-сотди шартномаси орқали расмийлаштирилганликларини билдириб, 2011 йил 20 октябрда Н.Шаховская билан К.Норматовлар ўртасида низоли уй бўйича расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2012 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар К.Норматовнинг даъвоси қаноатлантирилиб, Л.Гафарова ва А.Гулинлар Р. Ҳамроев кўчасидаги 10-уйдан кўчирилган.

Л.Гафарованинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги қарши даъво талаблари рад қилинган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2012 йил 3 майдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, иш бўйича қабул қилинган янги ҳал қилув қарори билан даъвогар К.Норматовнинг жавобгар Л.Гафарова ва А.Гулинларни уйдан кўчириш ҳақидаги даъвоси рад қилинган.

Д.Абраев томонидан берилган ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Н.Шаховская

ва К.Норматовлар ўртасида давлат нотариал идора орқали 2011 йил 20 октябрда тузилган низоли уйнинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган.

Шунингдек, Н.Шаховскаядан К.Норматовнинг фойдасига 19.000.000 сўм ундирилиши белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 2 сентябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Н. шаҳар ҳокимининг 2008 йил 5 июндаги 619-сонли қарорига кўра, низоли Р. Ҳамроев кўчасидаги 10-уйга Д.Абраевнинг эгаллик ҳуқуқи белгиланган.

2011 йил 20 октябрда давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига кўра, Д.Абраев номидан ишончномага асосан ҳаракат қилувчи Н.Шаховская Д.Абраевга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган низоли турар жойни К.Норматовга сотган.

К.Норматовнинг номига низоли уй давлат рўйхатидан ўтказилган.

Кассация инстанцияси иш бўйича биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги хулосага келишда тарафлар ўртасида низолар судларда кўрилган вақтда, уйнинг низоли эканлигини билган ҳолда, Н.Шаховская томонидан уйни бегоналаштириш мақсадида К.Норматовга сотилганлиги билан асослаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 17-сонли қарори 17-бандига кўра, олди-сотди шартномаси унинг иштирокчилари учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис мазкур шартноманинг ҳақиқийлигини қонунда белгиланган асослар бўйича фақатгина шартнома иштирокчилари ҳамда шартнома объектининг мулкдорлари низолашишга ҳақлидирлар. Шартноманинг ҳақиқийлиги манфаатдор шахс томонидан олди-сотди шартномасида келишилган сумманинг у томонидан тўланганлиги асоси

бўйича низолашилаётганда, бу ҳолат олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди.

Ишдаги ҳужжатлардан низоли уй бўйича Н.Шаховская ва К.Норматовлар ўртасида нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилаётган Л.Гафарова уйнинг мулкдори ёки шартнома иштирокчиси ҳисобланмайди.

Кассация инстанцияси Л.Гафарова низоли уй бўйича тарафлар ўртасида расмийлаштирилган олди-сотди шартномаси иштирокчиси эмаслигига эътибор қаратмасдан, суд қарорини бекор қилиш ҳақида асоссиз тўхтамга келган.

Бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича С. туманлараро судининг 2015 йил 12 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Л.Гафарованинг жавобгар Д.Абраев ва М.Абраеваларга нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси рад қилинган.

Д.Абраев ва М.Абраеванинг Л.Гафаровага нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси рад қилинган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2015 йил 18 июндаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Л.Гафарова уйнинг мулкдори, шартнома иштирокчиси бўлмаганлиги сабабли тарафлар ўртасида уй-жой бўйича нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасининг ҳақиқийлигини низолашиш ҳуқуқига эга эмаслигини, К.Норматов мазкур уйнинг мулкдори сифатида кўрсатилган қаршиликни бартараф қилиш ҳуқуқига эга эканлигини эътиборга олиб, биринчи инстанция суди томонидан Л.Гафарованинг битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги қарши даъво талабини рад қилиш, К.Норматовнинг уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида асосли хулосага келганлигини инобатга олиб, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топди.

*6-152-15-сонли ажрим*

**Шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги суд қарорлари асоссизлиги сабабли бекор қилиниб, шикоят қаноатлантиришдан рад қилинди.**

Б.Исмоилова ва Б.Сапаров судга шико-

ят билан мурожаат қилиб, суд қарорларини ижро этиш Департаменти Н. вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 19 декабрдаги қарорини бекор қилишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2014 йил 21 августдаги ҳал қилув қарори билан шикоят қаноатлантирилиб, суд қарорларини ижро этиш Департаменти Н. вилоят ҳудудий бошқармаси бошлигининг 2013 йил 19 декабрдаги катта суд ижрочисининг сотилмаган кўчмас мулкни ундирувчига топшириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 2012 йил 30 июлдаги қарорини бекор қилиш ҳақидаги қарори бекор қилинган.

Суд қарорларини ижро этиш Департаментдан давлат фойдасига 10.000 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 20 ноябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 2 октябрдаги ажрими билан кўйидаги асосларга кўра, мазкур иш юзасидан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, шикоятни рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Н. вилоят хўжалик судининг 2012 йил 16 июлдаги буйруғи билан қарздор "Зар-Эл" ОАЖдан ундирувчи "Этазайн" МЧЖнинг фойдасига 671.000.000 сўм асосий қарз, 3.555.000 сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатлари жами 674.362.000 сўм ва 2012 йил 22 февралдаги суд буйруғи билан 112.751.000 сўм асосий қарз, 560.000 сўм давлат божи ва 5000 сўм почта харажатларини ундириш белгиланган.

Қарздорнинг ҳисобида маблағ бўлмаганлиги сабабли ундирув қарздорнинг икки қаватли 3-5-7 уй биносига қаратилиб, бошланғич баҳоси 1.115.292.600 сўм баҳосида кўчмас мулк биржаси ким ошди савдосига чиқарилган.

Биржа томонидан тақдим қилинган бино такрорий аукцион кимошди савдоларида сотилмаганлиги сабабли суд ижрочилари туман бўлимининг 2012 йил 24 июлдаги хати билан ушбу кўчмас мулкни арзонлаштирилган баҳоси, яъни 731.743.474 сўмда "Этазайн" МЧЖга қолдириш таклиф қилинган.

Суд ижрочисининг 2012 йил 30 июлдаги

сотилмаган кўчмас мулкни ундирувчига топшириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, қарздор "Зар-Эл" ОАЖга тегишли бўлган юқоридаги турар жой биноси 731.743.474 сўм нархда далолатнома орқали "Этазайн" МЧЖ жамиятининг қарз эвазига топширилиб, давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган.

2013 йил 7 декабрда нотариал тартибда расмийлаштирилган уй-жойни топшириш ва қабул қилиш битимида кўра, "Этазайн" МЧЖ ушбу турар жойни жамиятнинг фаолияти тугатилиши муносабати билан жамиятга қўшган улуши эвазига унинг таъсисчиси Б.Исмаиловага топширган.

2013 йил 27 декабрда давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан Б.Исмаилова ушбу турар жойни Б.Сапаровга сотган.

Н. вилоят прокуратурасининг протестига асосан суд қарорларини ижро этиш Департаменти вилоят бошқармасининг 2013 йил 19 декабрдаги қарори билан суд ижрочилари туман бўлимининг 2012 йил 30 июлдаги қарори бекор қилинган.

Судлар шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келишда низоли уйни жамиятнинг қарзларини ёпиш эвазига сотилишига кузатув кенгаши аъзоларининг розилиги олинганлиги, суд Департаменти томонидан суд ижрочисининг қарорини бекор қилинишида "Зар-Эл" МЧЖдан ундирувчи туман Давлат солиқ инспекцияси фойдасига ундирилиши белгиланган 976.779.442 сўм боқиманда қарзини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати суд ижрочисининг қарорига асосан тўхтатилганлигига ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги билан асосланган.

Суднинг "Зар-Эл" ОАЖ кузатув кенгаши низоли бинони сотишга кредитор қарзларини ёпиш учун розилик берганлиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмади.

Жиноят ишлари бўйича С. туман судининг 2014 йил 24 апрелдаги ажримига кўра, Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди, 205-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари, 207-моддаси 1-қисми ва 208-моддаси билан Ч.Ўтаевга нисбатан жиноят иши Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори-

нинг олтинчи бандига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Суд ажримдан кўринишича, Ч.Ўтаев катта ижрочиси вазифасида ишлаб келиб, мансаб мавқеидан фойдаланиб, уни суиистеъмол қилган. Яъни у биринчи навбатда қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатишга ҳақлилиги белгиланган бўлса-да, "Зар-Эл" ОАЖ балансида бўлган уйни жамиятнинг розилигини олмасдан, рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолашни ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочиси томонидан бозор қиймати бўйича амалга оширилиши, мол-мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни жалб этиши лозим бўлса-да, баҳолаш ишларини ташкил қилмаган. У кўчмас мулкни 2012 йил 16 июлда 592.970,5 минг сўм миқдоригача пасайтириб аукцион савдоларига чиқариб, жамиятнинг давлат улуши 48,86 фоизни ташкил этса-да, мулкни хатлангани ҳақида Давлат мулк қўмитасининг ҳудудий бошқармасига хабарнома юбормасдан, йирик битимга сабаб бўлган мол-мулк қийматини аниқлаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлса-да, "Зар-Эл" ОАЖ кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишини розилигини олмасдан, 1.914.798.000 сўмга нархланган ушбу уйни 731.734.474 сўм қарзи эвазига бериб юбориб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Бироқ судлар суд ижрочисининг айнан шу низоли мулкни ундирувчига ноқонуний равишда топширганлиги учун жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлигига, ижро ҳужжатининг суд ижрочиси томонидан қонунга зид равишда тўхтатилганлигига эътиборни қаратмасдан, суд Департаменти Н. вилоят ҳудудий бошқармасининг қарорини бекор қилиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Суд қарорларини ижро этиш Департаменти Н. вилоят ҳудудий бошқармаси катта суд ижрочисининг низоли мулкни ундирувчига топшириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш ҳақида асосли хулосага келган бўлиб, бу Б.Исмаилова, Б.Сапаровлар шикоятининг асоссизлигини кўрсатади.

6-458-15-сонли ажрим

**Неправильное применение норм материального и процессуального права, неисследованность обстоятельств, имеющих значение для правильного разрешения дела, является основанием для отмены состоявшихся судебных постановлений.**

Истцы Кравченко Л. и Алиева Н. обратились в суд с иском к хокимияту города Кравченко С. о признании их участниками приватизации и сособственниками квартиры.

Решением городского суда по гражданским делам, оставленным без изменения определением кассационной инстанции областного суда по гражданским делам, в удовлетворении исковых требований истцов отказано.

Судами установлено, что на основании решения хокима города от 9 апреля 1993 года Кравченко С. приватизировал квартиру, по адресу: ул.Чиланзарская, дом 25, квартира 53.

Кравченко С. и Кравченко Л. состояли в зарегистрированном браке, который расторгнут 22 сентября 1992 года.

Стороны имеют двоих совместных детей - Алиева В., 1970 г.р. и Алиеву Н., 1972 г.р.

Стороны обратились в суд, поскольку письмом хокимията от 25 февраля 2013 года им сообщено, что не представляется возможным представить список лиц, давших согласие на приватизацию.

Из материалов гражданского дела усматривается, что имеется копия паспорта старого образца истицы, из которой усматривается, что она была прописана по адресу спорной квартиры с 1986 года. Кроме того представлены многочисленные акты, подписанные соседями, в которых также содержатся сведения о проживании в спорной квартире супруги и детей ответчика Кравченко С.

При этом ответчик Кравченко С. с доводами истцов не согласился и указал, что члены его семьи в квартире на момент приватизации не были прописаны и письменного согласия на приватизацию не давали.

Для проверки обоснованности доводов сторон, судами всесторонне не выяснены все обстоятельства по делу, не истребованы копии форм 1 с отдела внутренних дел,

сведения с места работы и учебы сторон, не опрошены все свидетели, подписавшие акты, тогда как указанное могло бы устареть имеющиеся противоречия.

Судам надлежало проверить, имеется ли сведения о том, что истцы принимали участие при приватизации другого жилья.

Согласно разъяснению, содержащемуся в п.16 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 02.05.1997 года за № 3 с изменениями, внесенными постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 11.09.1998 года за № 24 "О судебной практике по делам, связанным с владением, пользованием и распоряжением приватизированными жилыми помещениями", в силу ст.13 Закона "О приватизации государственного жилищного фонда", если в приватизированном жилом помещении, кроме нанимателя, проживают и другие члены семьи, давшие согласие на приватизацию, то все они становятся сособственниками этого помещения, а собственность на занимаемое жилое помещение в результате приватизации становится общей. Это положение распространяется и на временно отсутствующих членов семьи собственника. Поскольку несовершеннолетние лица, проживающие совместно с нанимателем и являющиеся членами его семьи либо бывшими членами семьи, имеют равные права, вытекающие из договора найма, они в случае приватизации занимаемого помещения наравне с совершеннолетним пользователем становятся участниками общей собственности на это помещение. По этим же основаниям вышеперечисленные лица становятся участниками общей собственности и в случае безвозмездной приватизации жилого помещения одним из членов семьи.

Таким образом, вышеуказанные обстоятельства не были полностью проверены судом первой инстанции, также они остались без внимания и суда кассационной инстанции, кроме того судами, при рассмотрении гражданского дела, не были приняты во внимание вышеназванные нормы.

В связи с этим определение кассационной инстанции областного суда отменено и дело направлено на новое кассационное рассмотрение.

№ 6-283-15

# Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъати қарорлари билан қўйидаги судьяларга малака даражалари берилди

2015 йил 3 чорак

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
1	Исраилова Дилбар Келдиёровна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	10.07.2015 йил 3 малака даражаси
2	Юлдашев Миролим Мусаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси	10.07.2015 йил 3 малака даражаси
3	Утаев Ақром Жўрақулович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раисининг ўринбосари	10.07.2015 йил 1 малака даражаси
4	Икромов Азамат Шодмонович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раисининг ўринбосари	10.07.2015 йил 2 малака даражаси
5	Зулфқоров Муродбек Исмоилович	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси	10.07.2015 йил 3 малака даражаси
6	Турсунбаев Дилшад Юлчибаевич	Тошкент ҳарбий округ ҳарбий судининг судьяси	10.07.2015 йил 4 малака даражаси
7	Казаков Баходир Солиевич	Шарқий ҳарбий округ ҳарбий судининг раиси	10.07.2015 йил 4 малака даражаси
8	Раҳматуллаев Сухроб Хамидович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг судьяси	10.07.2015 йил 4 малака даражаси
9	Шоазизов Давронбек Шоумар ўғли	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 4 малака даражаси
10	Авазметова Ирода Юсупбаевна	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 4 малака даражаси
11	Хасанов Умрбек Удамович	Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Янгибозор туман судининг раиси	10.07.2015 йил 4 малака даражаси
12	Юсупов Шохрухбек Собиржонович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
13	Худойбердиев Жаҳонгир Маҳмудович	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
14	Закирова Маликахон Икромовна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
15	Казаков Бекзод Олимович	Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти Боёвут туманлараро судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
16	Эргашев Баходир Абдурасулович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
17	Бобомуродов Алишер Бобоқулович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
18	Қораев Баходир Шарифович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
19	Пирматов Эльяржан Ильхамович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
20	Эргашов Акмал Эргашович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
21	Абдулхаев Абдулла Абдурахманович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси

22	Кукиев Музаффар Зафарович	Жинойат ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
23	Ирсалиев Зиявуддин Хуснутдинович	Жинойат ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
24	Гафуров Мавлон Кучкарович	Жинойат ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
25	Тухтаев Ҳабибулло Баротович	Жинойат ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
26	Умаров Махмаюнус Хайитович	Жинойат ишлари бўйича Навоий вилояти Кармана туман судининг судьяси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
27	Бўтаев Суюн Бабаназарович	Жинойат ишлари бўйича Навоий вилояти Хатирчи туман судининг раиси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
28	Бердиев Ерполат Туремуратович	Жинойат ишлари бўйича Хорам вилояти Богот туман судининг раиси	10.07.2015 йил 5 малака даражаси
29	Рахмонов Жамшид Камолович	Чирчиқ ҳарбий судининг судьяси	08.08.2015 йил 4 малака даражаси
30	Лутфуллаев Равшанхон Хасанович	Жинойат ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийўл туман судининг судьяси	08.08.2015 йил 4 малака даражаси
31	Шомуродов Умиджон Элмуротович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Бекобод туманлараро судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
32	Шарипов Жамол Ражабович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Ромитан туманлараро судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
33	Исмаилов Шерзодбек Баҳодирович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Ғиждувон туманлараро судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
34	Джурраев Илҳом Сайфиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
35	Дедамирзаева Мухайё Юсупжановна	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Янгиқўрғон туманлараро судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
36	Кўчкинова Иқбол Хошимовна	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Чуст туманлараро судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
37	Давронов Хусан Пирназарович	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти Ғаллаорол туманлараро судининг раиси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
38	Саидов Шермуҳаммад Абдуллаевич	Жинойат ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
39	Мусулманов Асхад Бахтиёрович	Жинойат ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
40	Нурматов Алишер Уткирович	Жинойат ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
41	Камолов Хуснидин Лутфидинович	Жинойат ишлари бўйича Андижон вилояти Бўз туман судининг раиси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
42	Жўраев Улуғбек Тўраевич	Жинойат ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
43	Пайғамов Ниёзбек Нумонжонович	Жинойат ишлари бўйича Фарғона вилояти Риштон туман судининг раиси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
44	Жумаев Азизбек Алижонович	Жинойат ишлари бўйича Фарғона вилояти Данғара туман судининг раиси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
45	Мехмоналиев Умиджон Ғайратович	Жинойат ишлари бўйича Фарғона вилояти Бувайда туман судининг судьяси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
46	Икрамов Бахриддин Қиличович	Жинойат ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман судининг раиси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
47	Ниёзов Яшин Комилжонович	Жинойат ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман судининг раиси	08.08.2015 йил 5 малака даражаси
48	Норматов Азизилло Ахмадиллоевич	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Қўрғонтепа туманлараро судининг судьяси	12.08.2015 йил 5 малака даражаси
49	Бадриддинов Саиджон Садриддинович	Жинойат ишлари бўйича Наманган вилояти Чуст туман судининг судьяси	12.08.2015 йил 5 малака даражаси



50	Мамадиев Муроджон Шухратович	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Олтинкўл туман судининг раиси	12.08.2015 йил 5 малака даражаси
51	Ҳайдаров Жамшид Раҳимбоевич	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Шаҳрихон туман судининг судьяси	12.08.2015 йил 5 малака даражаси
52	Турахужаев Халилилло Собиржонович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раиси	13.08.2015 йил 1 малака даражаси
53	Мирзажонов Муроджон Кодирович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг раиси	14.08.2015 йил 1 малака даражаси
54	Нафасов Журъат Тураевич	Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг раиси	14.08.2015 йил 2 малака даражаси
55	Очилов Равшан Беканович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси	14.08.2015 йил 2 малака даражаси
56	Файзуллаев Ваҳҳобжон Абдиқаримович	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси	14.08.2015 йил 3 малака даражаси
57	Эргашев Исоқбой Қўқанбоевич	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Қўрғонтепа туман судининг раиси	14.08.2015 йил 3 малака даражаси
58	Хамроев Жамолiddин Бахтиёрлович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг судьяси	14.08.2015 йил 3 малака даражаси
59	Алишаев Собир Турсунбоевич	Самарқанд ҳарбий судининг раиси	14.08.2015 йил 3 малака даражаси
60	Касимов Бахтиёр Муйдинович	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Учқўрғон туманлараро судининг судьяси	14.08.2015 йил 4 малака даражаси
61	Қўчқаров Алишер Адашалиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси	14.08.2015 йил 4 малака даражаси
62	Тоғаев Олим Авлоқулович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Боғдод туман судининг раиси	14.08.2015 йил 5 малака даражаси
63	Эшматов Шерзод Номозович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Қўқон шаҳар судининг судьяси	14.08.2015 йил 5 малака даражаси
64	Хўжакулов Умиджон Раҳматиллаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Ўзбекистон туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
65	Абдуллаев Нурбек Райимбердиевич	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг судьяси	05.09.2015 йил 3 малака даражаси
66	Қутибеков Равшанбек Қўчқорович	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Денов туман судининг раиси	05.09.2015 йил 3 малака даражаси
67	Маҳмудов Ҳасан Очилович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг раиси	29.09.2015 йил 3 малака даражаси
68	Базаров Отабек Узакович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
69	Зупаров Отабек Боходирович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
70	Махаметов Санжар Ташматович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
71	Хабибуллаев Азамат Анварович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Тошлоқ туман судининг раиси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
72	Самандаров Музаффар Рахимович	Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Шовот туман судининг раиси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
73	Уралова Наргиза Раббимовна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
74	Умркулов Улугбек Артықбаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
75	Каримов Ибрагим Тоштемирович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Кармана туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
76	Мирзаев Файбулла Абдунасимович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Зарафшон туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
77	Расулов Нодиржон Гаппорович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Зарафшон туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси

78	Ташмиратов Ильхомжон Журақобилевич	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Шеробод туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
79	Курязов Жамоладдин Шавкатович	Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти Богот туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 4 малака даражаси
80	Абдумуталов Пулатбек Абдумуталович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 5 малака даражаси
81	Турсунов Учқун Шониязович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 5 малака даражаси
82	Аскарлов Ваҳоб Қамбардинович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Иштихон туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 5 малака даражаси
83	Намазов Камол Таштемирович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Тайлоқ туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 5 малака даражаси
84	Бабакулов Баходир Куллиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Кармана туманлараро судининг судьяси	05.09.2015 йил 5 малака даражаси
85	Хусенов Жалолиддин Фарходович	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Учқўрғон туман судининг раиси	05.09.2015 йил 5 малака даражаси
86	Ахмадалиева Дилфуза Карабаевна	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Янгиқўрғон туман судининг раиси	05.09.2015 йил 5 малака даражаси
87	Бурханов Саидолим Саидкаримович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг судьяси	29.09.2015 йил 4 малака даражаси
88	Мухаммадиев Улуғбек Исломович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	29.09.2015 йил 3 малака даражаси
89	Мухиддинов Абдуллажон Акрамжон ўғли	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг судьяси	29.09.2015 йил 4 малака даражаси
90	Раимкулов Нодиржон Носирович	Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси	29.09.2015 йил 4 малака даражаси
91	Худайбердиева Феруза Абдувосиевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг судьяси	29.09.2015 йил 4 малака даражаси
92	Сулайманов Ахрор Ибрагимович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
93	Абдувахабов Илхом Маматюсуфович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
94	Хашимов Рустам Фуркатович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
95	Сагатов Бехзод Асрарович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
96	Худайбердиева Хабиба Валиевна	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Чирокчи туман судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
97	Мирходжаев Акмал Исламович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
98	Ахунбаев Шерзодбек Алишерович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
99	Нишоннов Ойбек Бурханович	Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти Оқолтин туманлараро судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
100	Юсупов Муса Абдурахманович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
101	Хазраткулов Хайрулло Халилжонович	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Тўрақўрғон туман судининг раиси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
102	Аюбжонов Нозимжон Махаммадаминвич	Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
103	Нуралиев Давран Илхомович	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Булоқбоши туман судининг раиси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
104	Холбоев Алишер Рахматович	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Асака туман судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
105	Эргашев Марат Анварович	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси
106	Жумабоев Лутфулла Толлибоевич	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман судининг раиси	29.09.2015 йил 5 малака даражаси

# Жиноятлар ВИКТИМЛИГИ

## УНИНГ УМУМИЖТИМОЙ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Маълумки, виктимологиянинг умумижтимой олдини олиш жамиятнинг барча бўғинлари (оила, таълим, тиббиёт муассасалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари)нинг фаол иштироки орқали амалга оширилса, махсус олдини олишда бевосита ички ишлар идоралари, прокуратура, адлия, суд органлари иштирок этади.

**Саломат НИЁЗОВА,**  
юридик фанлар номзоди

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлиги профилактикаси ишлари ҳар бир шахсга нисбатан индивидуал ёндошувни талаб этади. Бу, авваломбор, вояга етмаган жабрланувчиларга ҳам тааллуқлидир. Нотинч оиладаги ўсмирни рўйхатга қўйиш, ўз вақтида чора кўрганлик ҳақида раҳбариятга ҳисобот бериш, шунингдек, ўсмир жабрланувчига айлангунга қадар профилактик таъсир кўрсатишни ўтказиш ички ишлар органлари профилактика хизматининг, авваломбор, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича инспекциялар ходимларининг ва участка нозирларининг муҳим вазифасидир.

Бундан ташқари профилактиканинг барча субъектлари фаолиятини баҳолаш мезонлари, одатда, улар фаолият кўрсатувчи шахс ижтимоийлашувининг маълум босқичи билан чегараланади.

Мамлакатимизда ҳам виктимологик профилактика юзасидан муҳим чоратадбирлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун ҳам айти шу мақсадга қаратилган. Қонуннинг 7-моддасига кўра,<sup>1</sup> ота-она ёки

ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

- вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

- вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Шунингдек, 2011 йил 5 октябрь куни алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг<sup>2</sup> қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу қонун фуқароларнинг соғлигини, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилгандир.

Бундан ташқари Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 2011 йил 17 январдаги 18-сонли бўйруғига илова қилинган "Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва

тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги" Низоми ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Низомда қайд этилишича, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этиш соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан амалга оширилади.

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилувчи вояга етмаганларга наркология муассасалари томонидан ўз вақтида ихтисослаштирилган диагностика ва даволаш-тиклаш ёрдами кўрсатилиши шарт.<sup>3</sup>

Низомнинг яқунловчи қоидасида "Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар", дея қайд этилган. Бироқ амалдаги Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда бу борада жавобгарлик назарда тўтилмаган. Шунинг учун бу борадаги жавобгарлик масаласининг ҳуқуқий ечимини ҳал этиш лозим.

Чунки спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги қоидаларни бузиш бу иллатни кўпайишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини "188<sup>3</sup>-модда. Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартибини бу-

зиш", деган қўшимча билан, шунингдек, Жиноят кодексини "127<sup>1</sup>-модда. Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартибини бузиш.

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартибини бузиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран содир қилган шахс томонидан;

уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади", деган қўшимчалар билан тўлдиришни таклиф этамиз.

Бундай ўзгартириш ва қўшимча киритиш, ўз навбатида, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартибини бузиш ва келажакда уларни жиноят жабрланувчиси бўлиб қолишининг олдини олади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, 9-сон, 342-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 413-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 15-сон, 154-модда.

# Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш

## унга оид конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар

Асосий қонунизмиз атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар ҳамда фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш борасидаги фаолият йўналишлари учун асосий ҳуқуқ манбаи ҳисобланади.

**Акмал АБДУСАТТАРОВ,**  
тадқиқотчи

Шу ўринда бевосита атроф муҳитни муҳофаза этишнинг конституциявий асосларини тавсифлаганда, Конституциямиз меъёрларини икки гуруҳга: а) тамойиллар, бошланғич қоидалар; б) атроф муҳитни муҳофазалаш соҳасидаги ҳаракатларнинг аниқ қоидаларига ажратишни лозим деб топдик.

